БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши
№ 96 (12.449)

Сешанба, 23 апрель 1963 йил

Баҳоси 2 тийин.

Лениннинг номи, унинг иши ва таълимоти асрлар оша абадий яшайди.

Ленин номи билан, Ленин байроғи остида коммунизм ғалабаси сари, олға!

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН—КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИ САРИ!

КРЕМЛДАГИ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси, коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг улуғ доҳийси Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 93 йиллигига бағишлаб, 22 апрелда Москва Кремлидаги Съездлар саройида тантанали мажлис ўтказилди.

Муҳташам залга Москва заводлари ва фабрикаларининг ишчилари, Москва атрофидаги колхозлар, совхозларнинг меҳнаткашлари, фан ва санъат арбоблари, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг жангчилари тўпландилар.

Кеч соат беш **Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев, В. В. Гришин, Л. Н. Ефремов, Ю. В. Андропов, П. Н. Демичев, Л. Ф. Ильичев, В. И. Поляков, Б. Н. Пономарев, А. П. Рудаков, В. Н. Титов, А. Н. Шелепин** ўртоқлар президиумда пайдо бўладилар. Бу ерга тўпланган кишилар уларни гулдурос қарсаклар билан табриклайдилар. Ленин партиясининг ветеранлари, космонавт учувчилар, ишлаб чиқариш новаторлари, коммунистик меҳнат бригадаларининг раҳбарлари, таниқли олимлар, конструкторлар, ҳарбий бошлиқлар ҳам президиумда ўтирибдилар.

В. И. Ленин туғилган куннинг 93 йиллигига бағишланган тантанали мажлисни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ **Н. С. Хрушчев** очади. Ўртоқ Н. С. Хрушчев бундай дейди:

Қадрли ўртоқлар!

Бугун Владимир Ильич Ленин туғилган кунга 93 йил тўлади.

Давримизнинг ҳамма буюк воқеалари Ленин номи билан чамбарчас боғлангандир.

Владимир Ильич туғилган кун — халқимизнинг катта байрами, бутун прогрессив инсоният байрамидир. Ҳар йили мана шу кунда бизнинг партиямиз ўз ишини Ильич мезони билан ўлчаб кўради, босиб ўтилган йўлни ва келажакка мўлжалланган планларни Ленин таълимоти билан таққослаб чиқади. XXII съезд қарорлари, партиямиз Программаси — улуғ Ленин иши учун, коммунизм тантанаси учун курашда янги босқич бўлди.

Улуғ Ленин таълимоти мамлакатимизда коммунизм қурилиши ишида, жаҳон социалистик системасининг муваффақиятларида ва бу системанинг халқаро тараққиётнинг бутун жараёнига ошиб бораётган таъсирида, миллий озодлик ҳаракатининг қудратли авж олганлигида яшамоқда ва ғалаба қозонмоқда. Социализм учун кураш байроғи остига янгидан-янги миллионлаб кишилар тўпланмоқдалар. Жаҳон ишчилар ва коммунистик ҳаракати тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси Ленин ғояларининг бой самара берганлигидан, Ильич иши ўсиб ва мустаҳкамланиб бораётганлигидан равшан ва ёрқин далолат бермоқда.

Ленин васиятларига содиқ бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси марксизм-ленинизм принциплари асосида халқаро коммунистик ҳаракатнинг жипслигини мустаҳкамлаш учун, жаҳон социалистик системасининг монолитлиги учун қатъият билан кураш олиб бормоқда.

Ўз интернационал бурчига содиқ бўлган бизнинг партиямиз замонамизнинг озодлик ҳаракатларига бутун чоралар билан доимо мадад бериб келди ва мадад бермоқда.

Биз давлатлар ўртасида тинчтотув яшашдан иборат ленинча принцип асосида тинчликни мустаҳкамлаш учун, халқлар дўстлиги учун, империалистларнинг уруш сиёсатига қарши изчиллик ва қатъият билан кураш олиб бордик ва кураш олиб боравермиз. Империалистик телбаларни жиловлаб қўйиш, термоядро урушининг бошланиб кетишига йўл қўймаслик — барча мамлакатлардаги коммунистларнинг, дунёдаги ҳамма софдил кишиларнинг бурчидир.

Марксизм-ленинизм — абадий барҳаёт таълимотдир. Коммунизм қурилишининг вазифалари ва бутун халқаро революцион ҳаракат илгари сураётган янги масалалар ва проблемаларни ижодий тарзда ҳал этишни партиямиз ленинча таълимотга садоқат деб билди ва шундай деб билмоқда.

Ленин номи билан, Ленин байроғи остида — коммунизм ғалабаси сари олға!

Ўртоқлар, Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг тўқсон уч йиллигига бағишланган тантанали мажлисни очиқ деб эълон қилишга руҳсат этгайсиз.

(Ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқи гулдурос қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди).

Зал гумбазлари остида Совет Иттифоқи гимнининг улуғвор садолари янграйди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **Б. Н. Пономарев** «Ленинизм — бизнинг байроғимиз ва зафарли қуролимиз» деган темада доклад қилди.

Доклад тамом бўлди. Ўртоқ Н. С. Хрушчев тантанали мажлисни ёпиқ деб эълон қилади. Мажлис қатнашчилари партия гимни «Интернационал»ни баланд руҳ билан куйлайдилар.

Пировардида концерт қўйиб берилди. (ТАСС).

ЛЕНИНИЗМ—БИЗНИНГ БАЙРОҒИМИЗ ВА ЗАФАРЛИ ҚУРОЛИМИЗ

В. И. Ленин туғилган куннинг 93 йиллигига бағишлаб Москвада ўтказилган тантанали мажлисда ўртоқ Б. Н. ПОНОМАРЕВ доклади

Ўртоқлар!

Владимир Ильич Ленин туғилган кун — совет халқининг, бутун дунё меҳнаткашларининг ҳаётида улуғ ва порлоқ кундир. Ленин капитализм ва мустамлака қуллиги емирилаётганлигининг, социализм ва коммунизм барқарор бўлаётганлигининг символи бўлиб қолди. В. И. Ленин Коммунистик партияни «давримизнинг ақл-идроки, виждони ва номуси» деб атар эди. Бу таъриф Коммунистик партиянинг яратувчиси ва йўлбошчисига, ер юзидаги энг донишмандлик, революционлик, одамохунликнинг яққол намунаси бўлган зотга ҳам тўла равишда таллуқлидир. Унинг оташин қалби барча меҳнаткашлар ва мазлумларга қизғин муҳаббат билан тўлган эди.

Халқлар В. И. Ленинни абадий ҳурматлайдилар, шуҳратлайдилар, ундан ҳамиша таълим оладилар. У, халқ тилида достон бўлиб қолди, ҳамма тилларда унинг ҳақида қўшиқлар, поэмалар, афсоналар яратилди. Халқ орасида туғилган афсоналарнинг бирида бундай дейилади: Ленин туғилган пайтда подшо ва князлар — халқларни эзиб келган барча ҳукмронлар қалтираб кетди; Ленин ўзининг биринчи сўзларини айтганида, тахтлар ларзага келди; Ленин золимларга қарши кўтарилишга чақирганида, империялар емирила бошлади. Дарҳақиқат, жаҳонда пайдо бўлган ва ҳамма нарсани тозалаб кетадиган сел тож-тахт эгалари бўлган ҳукмронларнинг деярли ҳаммасини ер юзидан супуриб ташлади, жаҳоннинг катта қисмида капиталистик тузумни йўқ қилди ҳамда кўп халқларга озодлик ва бахт-саодат йўлини очиб берди.

Ҳозирги вақтда ер юзида Ленин кунлари нишонланмаётган бирон-та жой йўқ. Меҳнат аҳллари ленинизмга ўзларининг содиқликларини Ленин иши учун курашни кучайтириш билан ифодалаётганликлари тобора зўр аҳамият касб қилмоқда. Ҳар йил Ленин кунларига социалистик мамлакатларнинг халқлари янги ғалабалар билан келмоқдалар; носоциалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари эксплуататорлик тузумига ва мустамлакачилик асоратига қарши курашни тобора зўр куч билан авж олдириб, Ленин туғилган кунни нишонламоқдалар. Ленин байроғи остида кураш ҳамма мамлакатларни ва қитъаларни ўз ичига олаётган чинакам халқ ҳаракати бўлиб қолди. Ленин таълимотига бундай актив муносабат ленинизмнинг энг катта тантанасидир. Назариянинг практика билан мана шундай қўшилиши ҳар йил ленинизмга янги муваффақиятлар келтирмоқда.

Инсониятнинг кўп асрлик тарихи кўпгина социал таълимотлар ва идеологияларни билади. Лекин шулардан биронтаси ҳам ўзининг таъсири ва кенг тарқалганлиги, уюштирувчи кучи ва жамият тараққиётига ўтказаётган революцион таъсири жиҳатидан ленинизм билан, ҳатто, узоқроқ бўлса-да, тенглаша олмайди. Чунки марксизм-ленинизм — бирдан-бир чинакам илмий идеологиядир. Ишчилар синфининг идеологияси бўлган марксизм-ленинизм ер юзидаги аҳолининг катта кўпчилигининг туб манфаатларини ифодалайди. Бу идеология географик чегараларни ҳам, давлат чегараларини ҳам, миллий чегараларни ҳам, ирқий чегараларни ҳам билмайди. Тарихда биринчи бўлиб идеология меҳнаткашларнинг асрий орзуларини амалга ошириш қуроли бўлиб қолди. Ленинизм мислсиз кенг тарқалганлигининг сабаби мана шудир ва бунинг ўзи ленинизмнинг ер юзида ғолибона тарқалишини тўхтатиш йўлидаги ҳар қандай уринишлар муқаррар барбод бўлишининг гаровидир.

I.

ЛЕНИНИЗМ ҲОЗИРГИ ЗАМОННИНГ БАРЧА РЕВОЛЮЦИОН КУЧЛАРИ ЙЎЛИНИ ЁРИТИБ ТУРИБДИ

Капитализмдан коммунизмга ўтиш даври революцион кучлар олдига қўйган энг муҳим саволларга, инсоният жамияти олдида турган саволларга ленинизм жавоб бермоқда.

Октябрь революциясига қадар капитализмга қарши курашнинг битта революцион фронти — буржуа мамлакатлари ичидаги ишчилар ҳаракати фронти бор эди. Октябрь революцияси капитализм занжирини узиб юборди ва инсоният тараққиётини янги йўлга бурди. У, иккита янги революцион фронт вужудга келтирди. Бу эса дастлаб Совет Иттифоқида, сўнгра мамлакатларнинг бутун бир системасида вужудга келган социализмдир. Жаҳон миқёсидаги синфий кўрашда ҳал қилувчи фронт бўлиб қолган жаҳон социалистик системаси вужудга келганлиги ленинизмнинг энг улкан ғалабасидир. Миллий озодлик ҳаракати фронти ҳам жаҳоншумул кучга айланди, бу ҳаракат ер юзидаги аҳолининг кўпчилигини революцион жараёнга тортди. Ҳозир учта асосий жаҳоншумул революцион куч бор, булар — социализм ва коммунизм қураётган халқлардир; капиталистик мамлакатларнинг ишчилар синфидир; миллий озодлик ҳаракатидир. Марксизм-ленинизм шу отрядларнинг ҳар қайсисига кураш ва ғалабаларнинг тўғри йўлини кўрсатиб бермоқда.

Капитализмни ағдариб ташлаган халқларни ленинизм социализм ва коммунизмни муваффақиятли қуриш қонуниятлари билими билан қуроллантирди. Социалистик мамлакатлар халқларининг жуда катта ўзгартувчилик ишидаги бутун тажрибе ленинизмга содиқлик шу халқлар эришаётган ҳамма ютуқларнинг энг биринчи гарантияси эканлигини тасдиқламоқда.

Ленинизм капиталистик мамлакатлардаги ишчилар ҳаракатига зафар йўлини, социалистик революция йўлини кўрсатиб турибди. Социал-демократизмнинг оппортунистик идеологияси ва практикаси тарихий шармандаликка учради, коммунистларнинг идеологияси ва практикаси эса улуғ ғалабаларни қўлга киритди. Ленининг стратегия ва тактика идеялари империализмга қарши, социализм учун курашда ишчилар синфининг мустаҳкам қуролидир.

Ленинизм миллий озодлик ҳаракатининг йўлини ёритиб турибди. Ленин мустамлакачиликка қарши революция бутун жаҳон озодлик ҳаракатининг муҳим таркибий қисми деган назарияни ишлаб чиқиб, мазлум халқларни ажнабийлар асоратидан қутулишнинг илмий стратегияси ва тактикаси билан, тўла миллий ва социал озодликка олиб борувчи йўлни кўрсатиб берадиган билим билан қуроллантирди. Ленининг капитализмни четлаб, социализмга ўтиш назарияси марксизмнинг энг буюк муваффақиятларидан биридир. Мустамлакачилик кишанларидан қутулиб чиққан халқлар капитализм йўлини тобора қатъият билан рад этмоқдалар ва ўзларининг социализмга тарафдор эканликларини билдирмоқдалар. Улар социализм сари ўзларининг қилаётган ҳаракатларида жамиятни революцион қайта қуриш формаларига, ҳеч шубҳасиз, кўпгина янгилик ва хилма-хиллик киритадилар.

Миллий озодлик ҳаракатининг революцион имкониятларига ҳеч ким В. И. Ленин сингари шу қадар юксак баҳо бермаган эди. Шу билан бирга, у, таълим бериб айтган эдики, бу ҳаракат халқаро ишчилар синфи билан иттифоқ бўлганидагина, ўз мақсадларига эриша олади. Мазлум халқларнинг миллий озодлик ҳаракати, деган эди у, империализмга қарши кучларнинг янгича нисбатини (Ленининг сўзлари билан айтганда, «кучларнинг янгича ҳисобини») вужудга келтирди. Бироқ, В. И. Ленин уқтириб айтган эдики, бундай ҳисоб қилиш гўё «Европа билан Америка пролетариатини революцион кучлар жумласидан чиқариб ташлаш бўлади» деган хулоса бутунлай нотўғридир. (Асарлар, 33 том, 362-бет). «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» шиори ўзгармас шиор бўлиб қолмоқда. Лекин унинг мазмуни кенгайиб бормоқда. Маълумки, В. И. Ленин «Бутун дунё пролетарлари ва эзилган халқлар, бирлашингиз!» деган шиорни маъқуллаган эди. Ленин бу ҳақда гапириб айтган эдики, «Албатта, «Коммунистик манифест» нуқтаи назаридан, бу нотўғри, лекин «Коммунистик манифест» тамоман бошқа шароитда ёзилган, ҳозирги сиёсат нуқтаи назаридан эса бу тўғридир». (Асарлар, 31 том, 479-бет).

Бундан шу нарса келиб чиқадики, империализмга қарши чиқаётган кучлар ўсиб бормоқда, улар бир-бирларини қувватлашга ва жипслашишга мажбурлар, халқаро ишчилар синфи жаҳон озодлик ҳаракатининг белгиловчи кучидир. Социализм мамлакатлари халқларининг, капиталистик мамлакатлар пролетариатининг ҳамда мустамлакачиликдан қутулган ва қутулаётган халқларнинг жипслиги ҳозир ҳаво каби зарур. Уларнинг куч ва ғайратини бирлаштириш шу отрядлардан ҳар қайсисининг охирги ғалабаси учун ва империализм устидан қозониладиган ялпи ғалаба учун энг муҳим шарт-дирки, бу ғалаба XX асрнинг маҳсули бўлади.

Марксизм - ленинизм — абадий барҳаёт, ривожланиб бораётган таълимотдир. Маркс ва Энгельс ишларининг энг буюк давомчиси бўлган В. И. Ленин уларни жуда ҳурматлар эди, ҳеч ким уларни В. И. Ленин сингари ҳурматлаган эмас. Уларнинг таълимотини соф ва покиза сақламоқ учун ҳеч ким Ленин сингари шу қадар кўп иш қилган эмас. В. И. Ленин зийрак, узоқни кўрадиган ва дадил ижодкор сифатида марксизмга ёндошди. Марксизмнинг барча таркибий қисмлари Ленин ақл-заковатининг ижодий лабораторияси орқали ўтди ва янада ривожлантирилди. Ленин марксизм фалсафасини, марксча сиёсий иқтисодни, илмий социализм назариясини бойитди ва янги босқичга кўтарди. Ленин жаҳон миқёсида капитализмдан социализмга ўтишнинг ҳамма нарсани ўз ичига олган назариясини, социалистик революция ва пролетариат диктатураси назарияси ва тактикасини, миллий озодлик революцияси ва капиталистик босқични четлаб социализмга ўтиш назариясини, партия тўғрисидаги таълимотни ишлаб чиқди, социализм ва коммунизм қуриш тўғрисида мунтазам таълимотни яратиб берди.

Ленин марксизмга ижодий ёндошиши, марксизмнинг софлигини II Интернационал оппортунизмига қарши, барча оқим ва маслаклардаги ревизионистларга ва догматикларга қарши муросасиз курашда қаттиқ туриб сақлаб қолди. Ленин турмуш келтириб чиқараётган янги масалаларга тўғри жавоб бера билиш — марксча етукликнинг ва илмий коммунизмнинг содиқлиги, деб ҳисоблади. Бундай мезон талабларига жавоб бермоқ учун марксизм-ленинизмни, унинг барҳаёт, ижодий методини мукаммал эгаллаб олиш керак. В. И. Ленин таълим бериб, бундай деди: «Марксчанинг методи, даставвал, ҳозирги конкрет моментда, ҳозирги конкрет вазиятда тарихий процесснинг **объектив** мазмунини назарга олишдан... иборат». (Асарлар, 21 том, 142 бет). Ленин революцион назарияни ревизионистларча бузишга қандай муросасизлик билан қараган бўлса, унинг догматизмга, цитатабозликка, марксизмни катехизисга айлантириб юбориш йўлидаги уринишларга муросасизлик билан қараши шундан кам бўлмади. «Бундан келиб чиқадиган алоҳида ва мураккаб масалаларни, — деган эди у, — Маркснинг бошқа тарихий давр ҳақидаги мулоҳазаларидан фақат парчалар келтириш йўли билан ҳал қила олиладиганлар фақат ношуд олифталардир». (Асарлар, 3 том, 15-16 бетлар). Реал воқеликни, турмушда рўй бераётган ўзгаришларни акс эттирмайдиган назария ўзининг ўзгартувчанлик кучини ва революцион характерини йўқотади.

Улуғ йўлбошчи бизга қолдирган ижодий метод революцион бўронлар ва ларзалар, ижтимоий муносабатларни кескин равишда синдираётган ва илмий-техника соҳасидаги туб ўзгаришлар даври бўлган, мисли кўрилмаган суръатлар ва тарихий ўзгаришларнинг чуқурлиги билан фарқ қилувчи давр

бўлган бизнинг давримизда алоҳида аҳамиятга эга.

КПССнинг XX, XXI ва XXII съездлари марксизм-ленинизм таълимотини янги назарий қоидалар билан бойитди, халқаро коммунистик ҳаракат бу қоидалар билан қуролланди. Бу ҳол бизнинг партиямиз ўз асосчиси бўлган улуғ Ленин номи билан аталишга ҳақли эканлигини яна исботлаб берди.

Партия революцион назарияга ёндошишда қуйидаги асосий талабларга амал қилмоқ керак деган фикрга асосланди.

— марксизм-ленинизмга содиқлик, унинг принципларини изчиллик билан ҳимоя қилиш, уни ревизия қилиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қарши кескин кураш олиб бориш;

— марксизм-ленинизмни ижодий ривожлантириш, уни жамият турмушининг ўзгариб бораётган шарт-шароитларига ҳамда турли тарихий босқичларда партия олдида туғилаётган вазифаларга мувофиқ бойитиш; догматикларнинг назарияни ўлик бир нарсага айлантиришига қарши кескин кураш олиб бориш;

Назариянинг практика билан узилмас алоқасини мустаҳкамлаш, партиянинг бутун фаолиятида назария билан практиканинг узвий бирлигини таъминлаш.

Марксизм-ленинизм назариясига мана шундай ёндошиш бирдан-бир тўғри иш эканлигини партиямизнинг тарихий ғалабалари зўр куч билан тасдиқлади.

II.

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН—КОММУНИЗМ САРИ

Ўртоқлар! Биз Владимир Ильич Ленин туғилган кунни партия 1953 йилдан бошлаб ўтказаётган ва КПССнинг тарихий XX съезди ҳар томонлама асослаб берган йўлнинг тўла тантанаси белгиси остида нишонламоқдамиз. Ўтган ўн йил партия амалга оширган ўзгаришларнинг ва ҳал қилган проблемаларнинг муҳимлиги жиҳатидан, мамлакат ҳаётида рўй берган ўзгаришларнинг чуқурлиги жиҳатидан, СССР намунасининг бутун жаҳон тараққиётига ўтказган таъсири жиҳатидан Совет давлати тарихида, ленинизм назарияси ва практикасида алоҳида ўрин олади. Бу — ҳақиқатан ажойиб ўн йил бўлди, совет жамиятининг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида кескин бурилиш ва ғоят катта равнақ йиллари бўлди. Социализм қуриш тугалланди. СССРда социализм тўла ва узил-кесил ғалаба қилди. Совет мамлакати янги, тағин ҳам ғоят улуғ даврга — коммунизм қуришни авж олдириш даврига кирди.

Жуда қатъий қилиб шуни айтмоқ керакки, агар биз ленинизмнинг ижодкорлик руҳини тўла-тўкис ва бутун кучи билан тикламаганимизда эди, агар биз совет жамиятининг оёғида оғир тоқдек осилиб турган, социализмга хос бўлмаган, ёт кўпгина нарсаларни келтириб чиқарган Сталин шахсига сиғинишни фош қилиб ташламаганимизда эди, коммунизм сари муваффақиятли равишда олға боришни, халқаро миқёсда жуда катта муваффақиятларни қўлга киритишни таъминлай олмаган бўлур эдик. Шахсга сиғиниш совет жамиятининг ривожланишига тўсқинлик қилди, лекин у, жамиятимизнинг илдам ривожланишини тўхтата олмади ва социалистик тузумнинг моҳиятини ўзгартира олмади. Совет халқи ўша йилларда партия раҳбарлигида эришган ютуқларини шахсга сиғинишнинг салбий таъсири гарчи хиралаштирган бўлса ҳам, лекин катта ютуқларга эришди.

Шахсга сиғинишнинг зарарли оқибатларини кескин тугатиш катта тарихий аҳамиятга эга бўлган ишдир, бу ишда ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги партиямиз ленинчи Марказий Комитетининг хизмати катта. КПССнинг дадиллик билан қилган принципиал ҳаракатлари социализм ишига ва бутун халқаро коммунистик ҳаракатга жуда катта ёрдам бўлдики, буни барча мамлакатларнинг марксчи-ленинчилари эътироф қилдилар.

Партияни Ленин йўлидан тойдиришга уринган Молотов, Маленков, Кагановичнинг партияга қарши группасини КПСС Марказий Комитети, ўз вақтида фош қилди ва улоқтириб ташлади. Мана энди ўн йилдирки, мамлакат шахсга сиғинишнинг ўзбошимчаликлари ва занжирларидан холи бўлиб яшамоқда. Кейинги ўн йил ичидаги совет жамияти турмушининг қайси томонини олиб қарасак, ҳамма жойда партия ленинчи йўлининг яхши натижалари кўриниб турибди. Буни ҳар бир совет кишиси сезиб ва билиб турибди.

Ленин партиясининг қудратли кучи, унинг етакчи ва раҳбарлик роли тўла равишда ўзини кўрсатди. «Улуғ Ленин, унинг фаолияти, унинг доно идеялари, маслаҳатлари ва кўрсатмалари, — деди ўртоқ Н. С. Хрушчев, — мураккаб вазифаларни ҳал қилишда партиямиз, унинг Марказий Комитети учун, барча коммунистлар учун революцион ижодкорлик намунасидир».

Шу даврда бизнинг партиямиз **революцион назарияни ривожлантиришга** Ленининг доҳиёна асарларидан кейин энг катта ҳисса қўшди. Партиянинг назарий фикри КПССнинг янги Программасида ўзининг яхлит ифодасини топди, бу Программа ҳозирги замон шароитида ленинизмнинг олий ифодаси бўлиб, давримизнинг Коммунистик манифести бўлиб ҳаётимиздан жой олди.

Партия **социалистик демократияни ривожлантириш** соҳасидаги ўзининг фаолияти билан совет халқининг ижодкорлик ғайратига жуда кенг йўл очиб берди. Партия ҳокимиятни суиистеъмол қилишларга, социалистик қонунчиликни бузишларга қатъиян хотима бериб, совет ерининг осмонини тозалади. Бу эса социалистик тузумга, бутун социализм ишига янги куч бағишлади. Бутун аҳоли давлат ва жамоат ҳаётига тортилганлиги, коммунистик меҳнат ҳаракатининг қудратли тўлқини, коммунизм қуришнинг программ вазифаларини умумхалқ муҳокама қилаётганлиги, партия-давлат контролига миллионлар қатнашаётганлиги — СССРда социалистик демократия авж олганлигининг ёрқин далилидир.

Партия турмушининг ленинча нормалари ва коллектив раҳбарлик принципи тикланганлиги **партиянинг ўзида тўла қонли ҳаётни яна тиклади.** Коммунистларнинг партиянинг умумий иши учун масъулиятни ҳис қилишлари кучайиб кетди. Партия сиёсатини ишлаб чиқишда ва бу сиёсатни амалга оширишда қатнашишни, хатолар ва камчиликларни топиш ва тузатишни, ўз фикрини ҳадиксирамай барала айтишни ҳар бир коммунист ўзининг бурчи деб ҳисоблайди. Мана шуларнинг ҳаммаси партиянинг ичида жипслик, ўртоқлик, ишчанлик ва юксак активлик вазиятини вужудга келтирмоқда. Партия халқ оммаси билан янада мустаҳкам қон-қардош бўлиб қолди, омма билан ҳамиша маслаҳатлашиб иш қилмоқда, оммаининг тажрибасини диққат ва эътибор билан ўрганмоқда. Партия ўзининг ленинчи Марказий Комитети теварагида ҳар қачонгидан кўра ҳам кўпроқ бирлашди, жипслашди. Совет халқи эса ўзининг жонажон партияси теварагида ҳар қачонгидан кўра мустаҳкам жипслашди.

Партия **иқтисодий проблемаларни ҳал қилишга** ленинча, чуқур илмий ёндошишни тиклаб олди. Ленин мамлакатни индустриалштириш йўли билан социализмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш вазифасини қўйгани каби, партия янги босқичда коммунизмнинг моддий-техника базасини қуриш планини ишлаб чиқди. Ўтган ўн йилнинг характерли белгиларидан бири шуки, партия илмий-техника революциясини ташкил этди ва бу революцияга бошчилик қилди. Бу билан партия Совет Иттифоқини жаҳон илмий-техника тараққиётининг олдинги сафига олиб чиқди, социализмни бу тараққиётнинг байроқдори қилиб қўйди. Халқ хўжалигининг қиёфаси ўтган йиллар мобайнида тубдан ўзгарди. Ишлаб чиқаришнинг химия ва радиоэлектроника, атом ва космик техника, аниқ машинасозлик ва асбобсозлик, тезюрар транспорт ва бошқа шулар сингари истиқболи кенг ва иқтисодий самарали кўпгина тармоқлари фан ва техниканинг энг янги муваффақиятлари асосида тез ривожланиб бормоқда. Ленин ватани инсониятга космос йўлини биринчи бўлиб очиб берганлигини жаҳон ҳеч қачон унутмайди.

Партия тараққиёт йўлидаги қайсарлик, чалкашлик, қолоқликнинг ҳаммасини қатъиян йўқ қилмоқда ва мамлакатни экономикани ривожлантиришдаги энг прогрессив йўллардан фойдаланишга, бизнинг экономикамиз жаҳон илмий-техника тараққиётининг ҳамиша замонавий даражасида бўлиши учун фан ва техниканинг энг янги муваффақиятларини ишлаб чиқаришга жорий қилишга йўлламоқда.

Партия бошлаб берган йўлнинг тўғрилиги турмуш синовидан ўтди. Мамлакат экономикасининг ҳамма тармоқлари зўр куч билан юксалиб кетганлиги бу йўлни исботловчи энг яхши баҳодир. СССРда станоклар ва машиналар шу қадар кўпки, жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатида бунчалик кўп станок ва машиналар топилмайди. Мамлакатни электрлаштириш мислсиз даражада жуда кенгайиб кетди. Электростанцияларнинг қуввати 1952 йилдаги 25,2 миллион киловаттдан 1962 йилда 82,6 миллион киловаттга етди. Ёки уч баравардан знёдроқ кўпайди. Волховстройдан жаҳонда энг катта гидростанциялар бўлган Братск ва Красноярск гидроэлектростанцияларини қуришгача босиб ўтилган йўл Совет мамлакатини электрлаштириш тўғрисидаги Ленин идеялари тантана қилган йўлдир. Ўн йил ичида бизнинг металлургия саноатимиз 400 миллион тоннага яқин чўян ва 550 миллион тоннадан знёдроқ пўлат, яъни ўтган юз йил ичида ишлаб чиқарилганига қараганда анча кўп чўян ва пўлат ишлаб чиқарди. 1 миллиард 100 миллион тоннадан знёдроқ — ўтган асрнинг ўртасидан бошлаб то 1953 йилга қадар бўлган бутун давр давомида қазиб олинганига қараганда анча кўп нефть қазиб олдик. Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланиш асосида замонавий химия саноати барпо қилинмоқда. Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва капитал қурилиш мустаҳкам индустриал негизга ўтказилди.

Партия бутун халқни қишлоқ хўжалигидаги қолоқликни тугатишга сафарбар қилди. Қишлоқ хўжалиқ ходимларини моддий манфаатдор қилишнинг ленинча принципи тикланди, колхозлар ва совхозларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, машина-трактор станциялари қайта ташкил қилинди, жуда катта қўрқ ерлар ўзлаштирилди, планлаштиришнинг янги тартиби жорий қилинди, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши усталарининг янги кадрлари вояга етказилди. Бу амалга оширилган чоралар ҳозироқ ўзининг сезиларли натижаларини бермоқда. Мамлакат ҳеч қачон шу қадар кўп дон ҳосили олмаган эди. 1962 йилда дон экинларидан 9 миллиард пуд — 1953 йилдагига қараганда, қариб икки баравар кўп ялпи ҳосил олинди. Айниқса муҳим нарса шу бўлдики, қишлоқ хўжалигини янада юксалтирмоқ учун мустаҳкам пойдевор қурилди.

Партиямиз халқ хўжалигини бошқаришнинг бутун системасини такомиллаштирганлиги мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини кенг миқёсда ривожлантиришга ниҳоят даражада ёрдам берди. Саноатни ва қурилишни бошқариш қайта қурилганлиги, қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилувчи янги органлар тузилганлиги, пастдан тортиб то юқоригача партия ва совет органлари ишлаб чиқариш принципи асосида қайта қурилганлиги сингари катта тадбирлар халқ хўжалигига партия ва давлат раҳбарлигининг мунтазам системасини вужудга келтирди. Бу система коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичига жуда яхши жавоб бермоқда. Ҳозир вазифа шундан иборатки, Ленин таълим бериб айтганидек, топилган формалардан энг кўп самара берадиган қилиб фойдаланмоқ керак.

(Охири иккинчи бетда).

ЛЕНИНИЗМ—БИЗНИНГ БАЙРОҒИМИЗ ВА ЗАФАРЛИ ҚУРОЛИМИЗ

(Боши биринчи бетда).

Партия мамлакатимизни жаҳон капитализми билан иқтисодий мусобақанинг ҳал қилувчи маррасига олиб чиқди. Совет Иттифоқи капитализмнинг энг қудратли мамлакати бўлган Америка Қўшма Штатларига етай деб қолди. Бизнинг мамлакатимиз ўсиш суръатлари жиҳатидангина эмас, шу билан бирга, саноат маҳсулотининг кўпгина энг муҳим турларини ишлаб чиқаришни ҳар йилги кўпайтиришнинг абсолют миқдори жиҳатидан ҳам ўзининг асосий рақибидан устун бўлиб турибди. Бу устунлик йилдан-йилга ўсиб бормоқда, бу эса капитализм устидан иқтисодий ғалаба қозонишимизнинг гаровидир.

Капиталистик дунё арбоблари тобора кўпроқ эътироф қилиб айтаётган гаплар жуда диққатга сазовордир. Яқинда президент Кеннеди космосни тадқиқ қилишда СССР биринчи ўринда, Америка эса иккинчи ўринда турибди, деб айтди ва яна бунга илова қилиб, АҚШ «бундан буён ҳам орқада қола беради», деди. Америка энергетикларининг делегацияси ўз ҳукуматига қилган докладида, электроэнергетиканинг бир қанча соҳаларида ҳам Совет Иттифоқи Қўшма Штатлардан олдинда бормоқда, деб айтди. Америкадаги «Лук» журнали денгиз ва дарё кемачилиги соҳасида СССРнинг афзалликларини қайд қилиб, бундай деб ёзди: «Атом муз ёрари, қанотлари сув остида бўлган ва 40 узел тезлик билан юрадиган кемалар, газ-турбинали двигателлар, 70 минг тонна ҳажмли танкерлар, шиша толадан ясалган кемаларнинг корпуслари — мана шулар Россиянинг денгиздаги янги қиёфасидир». Бундай эътироф қилиб айтилган гапларни анча кўп келтириш мумкин. Хўш, буларнинг ҳаммаси нимани кўрсатади? Булар совет халқи амалга ошираётган ленинизмнинг улуғ кучи беихтиёр эътироф қилинаётганлигини кўрсатиб турибди!

Бизнинг мамлакатимиз ғоят юксалиб бормоқда. Лекин Ленин эришилган муваффақиятлар билан хотиржам бўлмаслик керак, ҳамиша олға бориш керак, деб таълим берган эди. У бундай деган эди: «Ҳамма гап шундаки, биз илгариги тажрибамиз натижасида ҳосил бўлган моҳирлигимиз билан қаноатланмасдан, **албатта олға қараб** боришимиз, **албатта кўпроқ** натижаларга эриша боришимиз, албатта енгилроқ вазифалардан оғирроқ вазифаларга ўта боришимиз керак. Бусиз умуман ҳеч қандай прогресс бўлиши мумкин эмас, социалистик қурилишда ҳам прогресс бўлиши мумкин эмас». (Асарлар, 28 том, 200-бет).

Одамга ғамхўрлик қилишни партия ўз фаолиятининг марказий вазифаси қилиб қўйди. Партия ўз ишида «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» деган шиорга амал қилмоқда. Қийинчиликларни енгишга тўғри келаётганлигига қарамай, партия ғамхўрлигининг натижалари совет кишиларининг ҳаётида очиқ сезилиб турибди.

Асрлардан бери давом қилиб келган уй-жой проблемаси муваффақиятли ҳал қилинмоқда. Кейинги ўн йил ичида шаҳарлар ва ишчи посёлкаларининг уй-жой фонди қарийб икки баравар кўпайди. 103 миллион киши — мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярмиси янги уйларга кўчиб кирди ёки ўзларининг уй-жой шароитларини яхшилаб олдилар. Уй-жой бинолари қуриш тез суръатлар билан давом этмоқда.

Социал-таъминотни яхшилаш проблемасини энг бой капиталистик давлатлар уддалашга ожизлик қилдилар, аммо, партия ва ҳукумат социал-таъминотни яхшилаш соҳасида жуда катта тадбирларни амалга оширди. 24 миллиондан кўпроқ киши давлат ва колхозлардан пенсия олмоқда. 1962 йилда аҳолига берилган тўловлар ва енгилликларнинг умумий миқдори 1953 йилдагига нисбатан икки баравардан зиёдроқ кўпайди ва 28,4 миллиард сўмга етди. Иш куни қисқартирилиб, етти ва олти соатга келтирилганлиги, ходимларнинг кам ҳақ тўланадиган категориялари оладиган иш ҳақи оширилганлиги, ишлаб чиқаришнинг кўп тармоқларида иш ҳақи тартибга солинганлиги сингари катта чора ва тадбирлар меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилашга, фаровонлигини оширишга ёрдам берди.

Партия меҳнаткашларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини тағин ҳам кўпроқ қондиришга бундан буён ҳам тинмай ҳаракат қила беради. Бунинг учун бўлган бизнинг имкониятларимиз тобора кўпроқ кенгая беради.

Социалистик жамиятнинг муайян мақсадга қаратилган ғоявийлиги бу жамиятнинг энг катта афзаллигидир. Партия Ленин ғоявий меросининг коммунизм қуриш учун бебаҳо аҳамиятга эга бўлган бутун бойлигини тиклаб олди, **идеология ишининг** ленинча принципларини тиклади ва ривожлантирди, идеологиянинг барча воситаридан тағин ҳам кўпроқ самарали фойдаланишга эришмоқда. Ҳозирги вақтда идеология иши учта жуда муҳим вазифани: меҳнатга коммунистик муносабатни тарбиялаш, меҳнаткашларнинг онглилигини ва сиёсий савиясини ошириш (бу вазифанинг коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш учун жуда катта аҳамияти бор); коммунистик жамият кишисини тарбиялаш; янги, коммунистик ижтимоий муносабатларнинг шаклланишига кўмаклашиш вазифаларини ҳал қилмоқда. Ғоявий-тарбиявий ишнинг, бутун жамоатчилигимизнинг муҳим вазифаларидан бири шуки, текинхўрликни, паразитизмни, ўғриликни йўқотиш, халқ мулкини таловчиларга, социалистик жамият қоидаларини бузувчиларга қарши ҳамда жамиятимизга ёт бўлган бошқа иллатларга қарши кескин кураш олиб бориш керак.

Ленин буржуа идеологиясининг ҳамма кўринишларига қарши муросасиз кураш олиб боришга чақирган эди. Буржуа идеологияси билан «тинч-тотув яшашни» бизнинг кишиларимизга қабул қилдириш йўлидаги уринишларга партия кескин равишда қарши чиқмоқда.

Партия идеология фаолиятининг доираси тобора кўпроқ кенгаймоқда. Фан, адабиёт ва санъат, кино ва театр — халқни маънавий ривожлантиришнинг ва коммунистик руҳда тарбиялашнинг ҳамма воситалари шу йиллар давомида партиянинг ҳамиша диққат марказида турди.

Партия ва ҳукумат раҳбарларининг ижодкор интеллигенция намояндалари билан ўтказган учрашувлари ленинча партиявийликнинг катта мактаби бўлди, адабиёт ва санъатни ғоявий юксалтирувчи янги зўр восита бўлди. Идеология соҳасида партия ўтказган кейинги тадбирларнинг моҳияти маданият ва бадиий ижодкорликнинг ҳамма соҳаларини коммунизмга хизмат қилдиришдан, халққа хизмат қилдиришдан иборатдир.

Ўртоқлар! Партиянинг, партия ленинчи Марказий Комитетининг бутун фаолияти ленинча ишлаш усулининг, совет жамиятини ривожлантиришнинг ҳамма вазифаларини ленинча ҳал қилишнинг худди ўзидир. Ленинизмга содиқлик партиямизга жаҳон социализми позициясини, империализмга қарши курашаётган барча революцион кучларнинг мустаҳкамламоқ учун бир мамлакатда амалга оширилиши мумкин бўлган ҳамма чораларни кўриш имконини бермоқда.

Совет халқи ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси халқаро социализм тантанаси учун деб шу қадар кўп куч сарфладилар, шу қадар кўп қурбонлар бердиларки, жаҳондаги ҳеч бир халқ, ҳеч бир партия бунинг учун шунчалик куч сарфламаган, шунчалик қурбонлар бермаган эди. Бизнинг мамлакатимиз бутун дунё меҳнаткашлари олдида жанговар, ижодкор ленинча фикрнинг ва жамиятни революцион ўзгартиришдаги амалий тажрибанинг битмас-туганмас манбаи бўлиб турибди. Коммунизм қураётган Совет Иттифоқининг намунаси қандай зўр куч эканлигини империалистлар тушуниб турибдилар. Улар коммунизмга қарши олиб бораётган ўзларининг курашларида асосий зарбани ҳозирги замондаги барча революцион кучларнинг таянчи, тинчлик ва тараққиётнинг қалъаси бўлган СССРга қарши қаратмоқдалар. Антикоммунизмнинг жуда катта идеологик ва сиёсий аппарати, аввало, СССРни нишонга олиб, тўхтовсиз ишламоқда. Бинобарин, антикоммунизмга қарши курашнинг асосий оғирлиги, тинчлик ва социал тараққиёт ишини ҳимоя қилишдаги асосий оғирлик ленинизм Ватанининг зиммасига тушмоқда. Совет кишилари коммунизм қураётганликлари билан, душманларнинг сон-саноқсиз ҳамлаларини даф қилаётганликлари билан ўзларининг янги даврнинг пионери ва авангарди бўлишдек улуғ интернационал вазифаларини шараф билан бажармоқдалар. Улар ўзларининг ҳар кунги меҳнатлари ва курашлари билан ленинизм Ватани деган улуғ ва фахрли номни нақадар юксак қадрлаётганликларини ва сақлаб келаётганликларини кўрсатмоқдалар.

Марксизм-ленинизм таълимоти асосида яратилган янги дунёни кўрмоқ учун жаҳоннинг ҳамма томонларидан бизнинг мамлакатимизга кишилар келмоқда. Барча қитъаларнинг юз минглаб вакиллари ҳар йил Совет мамлакатини зиёрат қилмоқдалар. Минг-минглаб кишилар бу ерда илм олмоқдалар. Ҳозирги вақтда СССРда 114 мамлакатдан келган 23 минг студент ўқимоқда. Улар бу ерда илм олиб, бизнинг тажрибамиз билан бойиб, ўз халқларига хизмат қиладилар, ўз халқларининг озодлиги ва бахт-саодати учун курашадилар.

Ленин таълимотининг ва ишларининг мухлислари бўлган кишилар доираси йилдан-йилга кенгаймоқда. Озодлик олган мамлакатларнинг жуда кўп оммаси ленинизмни ўзига байроқ қилиб олган социалистик мамлакатлар халқларининг, коммунистик партияларнинг қудратли отрядига қўшилмоқда. Шу мамлакатларнинг вакиллари, фақат Ленин таълимоти, Совет Иттифоқининг, жаҳон социалистик системасининг намунаси ва муваффақиятлари мустамлакачиликни тугатиш, миллий ва социал тараққиёт йўлини очиб берди, деб айтмоқдалар. Ҳатто, ленинизм душманлари ҳам Ленин идеяларининг жаҳоншумул таъсирини эътироф қилишга мажбур бўлдилар. Буржуа социологи Альфред Мейер «...Рус революциясининг йўлбошчиси В. И. Лениннинг идеялари ва фаолияти ҳозирги кунда миллионларнинг ақл-идрокини мафтун қилиб қўйди», деб айтмоқда. Буржуазия идеологлари ленинизмга қарши «идеялар урушини» кучайтиришга даъват қилмоқдалар, чунки акс ҳолда, деб ёзади улардан бири, «50 йил ичида бутун дунё ленинизм қарор топган дунё бўлиб қолиши жуда мумкин».

Уларнинг бундай хавотир бўлаётганликлари хусусида нима дейиш мумкин? Марксчи-ленинчилар мана шу хавотирланиб айтилган гаплар тўғри бўлиб чиқиши учун ўз кучларини аямайдилар. Жаҳон ленинизм ҳақиқатан қарор топган жаҳон бўлиб қолади, албатта, шундай бўлади!

Ленин алангалатган коммунизм машъали партиямиз ва халқимизнинг ўтган ўн йил мобайнидаги ижодий, яратувчилик фаолияти натижасида тағин ҳам ёрқин нур берадиган бўлиб қолди. Бу ўн йилнинг катта ички ва халқаро аҳамияти бор. Тажриба шуни, шак-шубҳасиз, исбот қилдики:

— ленинизмга ва социалистик тузумга ёт бўлган шахсга сиғинишнинг ҳамма иллатларидан тозаланиб олган Совет мамлакати коммунизм сари анча тез қадам ташлаб йўл олди ва ҳамма соҳаларда катта муваффақиятларга эришди;

— мамлакатимизнинг обрўси, ленинизмнинг жозибадор кучи ошиб кетди, социализмнинг ва барча революцион кучларнинг халқаро позициялари мустаҳкамланди.

Лениннинг: «Бизнинг йўлимиз... — тўғри йўлдир, чунки эрта ёки кеч албатта бошқа мамлакатлар ҳам шу йўлга келиб қоладилар» (Асарлар, 33 том, 157-бет), деб айтган сўзлари ниҳоят даражада ҳаққоний сўзлар эканлигини тарих тобора яққол тасдиқламоқда. Олға борадиган йўлимизни КПСС Программаси ёритиб турибди. Коммунизм қуриш программасини амалга ошириш учун кураш — бутун совет халқи ҳаётининг ва фаолиятининг асосий мазмунидир, жаҳоншумул социал тараққиётга берилаётган қудратли мададдир, тинчликни ва ҳамма халқларнинг хавфсизлигини таъминлашга қўшилаётган ҳал қилувчи ҳиссадир, бизнинг давримизда қилинаётган энг катта ишдир ва биз Ленинга атаб қураётган энг яхши ёдгорликдир.

III.

ЛЕНИНИЗМНИНГ УЛУҒ ХАЛОСКОРЛИК МИССИЯСИ

Ўртоқлар! Коммунистик қурилишнинг муваффақиятлари, тинчликни мустаҳкамлаш ва империалистлар инсониятнинг бошига солишга неча марталаб уринган жаҳон термоядро урушининг олдини олиш учун изчиллик билан ленинча кураш олиб бориш сиёсати Совет Иттифоқининг халқаро обрўсини ҳар қачонгидан ҳам ошириб юборди. Ҳамма қитъалардаги янгидан-янги миллионлаб кишилар Ленин мамлакати тинчликнинг жонкуяр курашчиси ва асосий таянчи эканлигига қаноат ҳосил қилдилар, ленинча ташқи сиёсатнинг ҳар бир халқ тақдири учун бўлган жуда катта аҳамиятини кўрдилар.

Империалистлар инсониятни икки марта қонли жаҳон уруши гирдобига ташладилар, бу урушлар 60 миллион кишининг ёстиғини қуритди, ўн миллионлаб кишиларни мажруҳ қилиб қўйди, бутун-бутун мамлакатларни хонавайрон қилди, ўн минглаб шаҳарлар ва қишлоқларни ер билан яксон қилди. Бироқ, АҚШ империалистлари бошчилик қилаётган агрессив доиралар янги жаҳон урушига тўхтовсиз тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу сафарги уруш бутун-бутун халқлар ва давлатларнинг ҳаёт мамотини ҳал қиладиган уруш бўлади. Олимларнинг қилган ҳисобларига қараганда, ҳозирги вақтда ер юзидаги ҳар бир кишига 80 тоннадан портловчи модда ғамлаб қўйилибди, шу дамгача тўпланган атом ва водород қуролининг уч проценти масалан, АҚШ сингари катта мамлакатни батамом емириб ташлашга кифоя қилади. Шу кунгача жамғариб қўйилган ядро қуроли билан ерни остин-устин қилиш, тоғларни ағдариб ташлаш ва океанлар сувини тошириб юбориш мумкин.

Миллион-миллион кишилар савол бериб айтмоқдаларки, бу даҳшатли офатнинг наҳотки олдини олиб бўлмаса? Вужудга келган бу аҳволдан қутулишнинг иложи борми?

Империализм бу саволга жавоб бермайди ва бера олмайди. Ўз моҳияти билан агрессив бўлган империализм қурол-яроғларни яна тоғ-тоғ қилиб кўпайтиришни давом эттирмоқда, урушга олиб борадиган эски йўлни давом эттирмоқда.

Инсониятни ҳаяжонга солиб турган саволга фақат бизнинг марксизм-ленинизм таълимотимиз жавоб беради. Бу жавоб шуки, эндиликда жаҳон уруши бўлиши муқаррар бир нарса эмас, бу урушнинг олдини олиш мумкин ва лозим, турли социал тузумдаги давлатлар ўртасидаги муносабатларда тинч-тотув яшаш принципини барқарор қилиш мумкин ва лозим. Бу хулоса, аввало, социалистик лагернинг ошган қудратига асосланади. Айни вақтда ленинизм берган жавоб жаҳоннинг ҳамма кучларини империализмнинг агрессив йўлига қарши кескин курашга, жаҳон урушининг олдини олишнинг реал мавжуд имкониятларидан фойдаланишга сафарбар қилади ва руҳлантиради. Тинч-тотув яшаш идеяси моддий куч бўлиб қолди, инсониятнинг жуда катта кўпчилиги шу идея атрофида бирлашмоқда. Шу билан бирга, тинч-тотув яшаш шароитида ҳам революцион ўзгаришлар янада давом этмоқда ва муқаррар давом эта беради, деб ленинизм таълим бермоқда ва буни тарихий тажриба тасдиқламоқда.

Тинч-тотув яшаш идеяси Лениннинг социалистик революция назарияси, социализм дастлаб алоҳида олинган бир мамлакатда ғалаба қилиши мумкин, деган хулоса замирига жойлашган идеядир. Совет ҳокимияти ўрнатилганидан кейин В. И. Ленин шу идеяни ривожлантирди, турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши принципини таърифлаб берди ва бутунлай янги, 1917 йилга қадар мисли бўлмаган ташқи сиёсатни ишлаб чиқди.

Ленинизмга содиқ курашчилар СССР бирдан-бир социалистик мамлакат бўлиб турган даврда тинчлик учун, иккинчи жаҳон урушининг олдини олиш учун фидокорона кураш олиб бордилар. Лекин социализм кучлари империализмдан заифроқ эди, урушдан манфаатдор бўлмаган ижтимоий ва сиёсий кучлар эса етарли даражада уюшмаган эди. Шу сабабли, ўша вақтда агрессорларнинг қўлини боғлаб қўйишнинг имкони бўлмади.

Жаҳон социализм системаси вужудга келганидан кейин, бу системанинг иқтисодий ва ҳарбий қудрати жуда ўсиб кетганлиги, империализмнинг мустамлакачилик системаси барбод бўлганлиги, капитализмнинг умумий кризиси чуқурлашгани сабабли тинч-тотув яшаш сиёсатини амалга оширишда янги босқич бошланди. Халқаро майдондаги кучларнинг нисбати социализм фойдасига кескин ўзгарди. Шу даврда бизнинг партиямиз ва унинг Марказий Комитети Ленин идеясини бойитдилар, ривожлантирдилар. Бу сиёсатни ўтказиш воситалари ва усуллари кўпайди. Бу ишда атоқли марксчи-ленинчи Никита Сергеевич Хрущев жуда катта роль ўйнаганлигини бутун инсоният яхши билади. У мана шу ленинча сиёсатнинг жонли руҳини, унинг таъсирчан жанговар кучини, унинг чуқур халқчиллик характерини яққол ифодаламоқда. Жаҳон уруши тақдирга ёзилган муқаррар бир нарса эмас, деб XX съезднинг, КПСС Программасининг чиқарган хулосалари ленинизм назариясига ҳам, сиёсатига ҳам қўшилган жуда катта ҳиссадир.

Бизнинг партиямиз империализмнинг йиртқичлик моҳиятини изчиллик билан фош қилиб, унинг агрессив планларини барбод қилиб, империализмга қарши кескин ва актив кураш олиб бормоқда. Тинчлик учун кураш, тинч-тотув яшаш сиёсатининг муваффақиятлари, В. И. Лениннинг сўзлари билан айтганда, «Революциямизнинг пропагандистик кучини юз марта» оширди. (Асарлар, 26 том, 411-бет).

Жаҳонни термоядро урушидан неча марталаб қутқариб қолган Совет Иттифоқини одамларнинг авлод-авлодлари асрлар бўйи ҳурматлаб тилга олажаклар. АҚШнинг агрессив доиралари томонидан Кариб денгизи районида бошланган танглик тинч йўл билан бартараф қилинганлиги, термоядро урушининг олди олинганлиги, социалистик Кубанинг революцион ғалабалари ҳимоя қилиниб сақлаб қолинганлиги—тинч-тотув яшаш сиёсатининг тўғрилигини, инсоният учун бу сиёсат хайрли натижалар берганлигини кўрсатувчи ёрқин далилдир.

В. И. Ленин социалистик давлатнинг ташқи сиёсатини ғоят қаттиқ қўллик билан ўтказиб келди ва империалистларнинг дўқларига учмаслик керак, деб таълим берди. Шу билан бирга, у Совет давлатининг капиталистик давлатлар билан ўзаро муносабатларида, буржуазиянинг турли группалари билан ўзаро муносабатларда ғоят эпчиллик кўрсатди. Ленинча ташқи сиёсатнинг бу хислатлари жаҳон миқёсидаги кучларнинг ҳозирги нисбати шароитида айниқса муҳимдир.

Империализмнинг энг реакцион доиралари, ҳозирги вақтда «қутурганлар» деб аталаётган ана шу доиралар термоядро урушига очиқдан-очиқ таянмоқдалар. Ғарб мамлакатларининг империалистлари урушни тайёрлаш мурувватларини кейинги вақтда тобора кучлироқ қилиб бурамоқдалар. Улар АҚШ ва Англиянинг ядро билан қуролланган ҳарбий қисмларини бирлаштирмоқдалар, денгизда «кўп томонлама идора қилинадиган ва кўп томонлама контроллик остида бўлган» махсус ядро кучларини вужудга келтирмоқдалар, кўп йиллар олдиндан мўлжаллаб қўйилган зўр бериб қуролланиш планларини амалга оширмоқдалар. АҚШ ва Франция ядро қуроли синовларини яна бошлаб юборди. Зарбадан ўзини ўнглаб олган гитлерчи генераллар атом бомбасига тобора сурбетлик билан қўл чўзмоқдалар.

Марксчи-ленинчилар ҳақиқатга тик қарайдилар. Империализм ҳали кучли, у ўзининг агрессивлигидан қайтгани йўқ. Империализмнинг агрессив планлари мавжуд бўлиб турган шароитда Марказий Комитет, Совет ҳукумати Ленинчи социалистик Ватаннинг мудофаа қобилияти мустаҳкамлансин, деган васиятларини бир дақиқа бўлса ҳам, унутмайдилар. Социализм эндиликда енгилмас куч бўлиб қолди, кимки унинг қудратини синаб кўрадиган бўлса, жуда қақшатқич зарбага учрайди!

Айни вақтда бизнинг мамлакатимиз кучларнинг ҳозирги нисбатига реалистик назарда қараётган, ядро уруши қандай даҳшатли оқибатлар келтиришини тушунаётганлар билан оқилона битимга келиш йўлини қидиришга тайёр. «Буржуа лагерининг масалани ҳарбий йўсинда ҳал қилишга интиладиган намояндалари билан иш кўрамизми, ёки буржуа лагерининг пацифизмга... интиладиган намояндалари билан иш кўрамизми, бу биз учун барибир эмас». (Асарлар, 33 том, 268-бет), деб Лениннинг берган кўрсатмаси ўз кучини батамом сақлаб қолмоқда. Тинч-тотув яшаш сиёсатини изчиллик билан ўтказиш катта мардликни ҳам, катта санъатни ҳам талаб қилади. Жаҳон сиёсатининг турли соҳаларида ҳали ўткир ва қаттиқ тўқнашувлар бўлиши турган гап. Бу тўқнашувлардан ғолиб бўлиб чиқмоқ учун ленинча ҳаракат қилмоқ керак—партиямизнинг Марказий Комитети ҳам ана шундай ҳаракат қилмоқда.

Марксистлар империалистик урушларга таг-томири билан барҳам беришга, меҳнаткашларни урушлар келтирадиган азоб-уқубатлар ва кулфатлардан халос қилишга ҳамиша ишчилар синфининг энг муҳим вазифаси деб қараб келдилар. Ленин жаҳон урушини энг катта жиноят деб атаган эди. «Бундай урушга қарши курашга,—деб уқтирган эди у, — бутун умрингни бағишласанг ҳам арзийди, бу курашда раҳмсиз бўлиш керак, шу урушни ёқловчи барча софизмни ҳамма жойда таъқиб этмоқ керак». (Асарлар, 33 том, 453-бет).

Бу даъват ядро урушининг оқибатлари қандай бўлишини англаб турган марксчи-ленинчиларнинг ҳозирги авлоди зиммасига ғоят фидокорлик, садоқат билан ҳаракат қилиш вазифасини юклаяпти! Коммунистлар халқ оммасини уруш хавфига қарши актив курашишга чақирмоқдалар. Ҳарбийларни жиловлаб қўйиш, империалистик ҳукуматларни халқларнинг иродасини бажаришга ва тинч-тотув яшаш йўлидан боришга мажбур қилиш керак — капитализм мамлакатларидаги тинчлик курашчилари урушнинг олдини олишга қўшадиган ҳиссаларини ана шу тахлитда тушунмоқдалар, тинчлик учун курашни шаҳарлар ва қишлоқларни ядро тўфонидан қутқариб қолишнинг омили деб билмоқдалар.

Ҳозирги вақтда тинчлик билан коммунизм бир бутун маънода тушунилмоқдаки, шунинг ўзи марксизм-ленинизмнинг жуда катта маънавий-сиёсий ғалабасидир. Ҳозирги кунда биз билан биргаликда тинчлик учун курашаётган кишиларнинг ҳаммаси ҳам коммунизм принципларига қўшилади, деб бўлмайди. Лекин империализмнинг энг расво, энг жирканч ифодаси бўлган урушларга қарши коммунистларнинг фидокорлик билан олиб бораётган кураши мустаҳкам тинчлик учун ҳаракат қилаётган барча одамларнинг кўзини очиб, замонамизнинг бирдан-бир ҳақиқати—коммунизм ҳақиқати эканлигини уларга кўрсатиб қўймоқда. Империалистлар зўр бериб қуролланишни оқлаш учун мамлакатимизнинг гўё агрессивлиги ҳақидаги афсонадан фойдаланиб келдилар. Уларнинг бу афсонаси бутунлай чиппакка чиқарилди. Социализм ва коммунизм қурилиши тинчликни ҳимоя қилиш билан қўшилиб кетаётганини, СССР, бутун жаҳон социалистик системаси қанчалик мустаҳкам бўлса, тинчлик иши шунчалик ишончлироқ бўлишини турмушнинг ўзи, Совет Иттифоқининг ёппасига ва батамом қуролсизланиш йўлидаги кескин кураши исботлади. Бундан жуда катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган хулоса чиқадики, Совет Иттифоқининг, жаҳон социализм системасининг мустаҳкамланишидан, ленинизмнинг янада тантана қилишидан ер юзидаги барча халқлар манфаатдордирлар.

Партиямиз ҳамиша таъкидлаб келаётганидек, тинч-тотув яшаш—империализм билан сира ҳам муросага келиш эмас, балки жаҳон миқёсида социализм билан капитализм ўртасидаги синфий кураш формасидир. Социализм билан капитализм ўртасидаги зиддият—давримизнинг асосий зиддиятидир. Социализм билан капитализм ўртасида иқтисодий, сиёсий ва идеология соҳаларида улкан жанг бораяпти. Ана шу жангда социализм ўзининг устунлигини амалда, ўз намунаси билан намойиш қиляпти.

Ленинизм тинч-тотув яшаш сиёсатини дунёни революцион тарзда ўзгартиришни давом эттиришга қаратилган ҳаракатлар билан қўшиб олиб боради. Тинчлик шароитида социалистик ҳамдўстлик мустаҳкамланади, социализм ва коммунизмнинг афзалликлари тўла намоён бўлади. Тинчликни ҳимоя қилиш, халқаро сиёсатда тинч-тотув яшаш принципини қарор топтириш жаҳон революцияси процессини бўшаштирмайди, балки кучайтириб юборади. Айни тинч-тотув яшаш вазиятида Куба революцияси ғалаба қилди ва социализм Европа ва Осиёдан кейин ер шарининг учинчи қитъасида — Америка қитъасида қарор топди.

Тинч-тотув яшаш шароитида миллий-озодлик ҳаракати ҳам муваффақият билан кенг авж олишини тарих кўрсатиб берди. Совет Иттифоқи, барча социалистик мамлакатлар Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларининг империализмга қарши озодлик ҳаракатини, уларнинг муқаддас, адолатли урушларини тамомила қувватламоқдалар, уларга маънавий, сиёсий ва моддий ёрдам кўрсатмоқдалар. Ўтган йиллар мобайнида КПСС ана шундай амалий мададкорлик намуналарини кўп марталаб кўрсатди. Бирлашган Араб Республикаси, Индонезия, Жазоир, Яман халқларига ва бошқа кўпгина халқларга бизнинг бераётган ёрдамимиз жуда реал ёрдам бўлиб, миллий озодлик ҳаракатини қувватлаш тўғрисидаги Ленин васиятларининг амалда рўёбга чиқарилишидир. Бу масалада ҳам бизнинг позициямиз аниқ ва равшандир: мустамлакачиликнинг ҳамма формалари ер юзидан супуриб ташланиши, ҳамма халқлар озод бўлиши керак.

Тинч-тотув яшаш капиталистик системанинг барча зиддиятларини кескинлаштириб, капитализм қўрғонларида ишчилар ҳаракатининг ривожланишига тўла майдон очиб беради. Кенг омманинг монополияларга қарши қаратилган ҳаракат тўлқини тобора кучли равишда авж олаётганлиги шундан далолат бериб турибди. Капиталистик мамлакатларда иш ташлаш курашининг мисли кўрилмаган даражага кўтарилганлиги ҳам шундан далолат бериб турибди. Ҳамма мамлакатларда социалистик революцияларнинг ғалаба қилиши муқаррардир. Ҳар қайси мамлакатнинг халқлари эса бу революцияни конкрет тарихий шароитларда энг мақсадга мувофиқ формаларда амалга оширажаклар.

Ҳозирги революцион процесс шу тахлитда ривожланиб бормоқда, социализм ва тинчлик кучлари империализм ва уруш кучларининг ҳам рўпараси, ҳам ичкарисидан унга шу тахлитда қудратли ҳужум қилмоқда. Ҳар бир ўтган ой ва йил жаҳон социалистик системасини, унинг ғоявий, сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий куч-қудратини кучайтирмоқда ҳамда империализм системасини тагидан зил кетказиб, заифлаштирмоқда. Жаҳон социализм системасининг ютуқларида, Куба халқининг озодлик ва мустақиллик учун, Америка империализми кирдикорларига қарши қаҳрамонона курашида, француз шахтёрлари ва итальян металлистларининг ғалабасида, бошқа капиталистик мамлакатлардаги пролетариатнинг синфий жангларида, Осиё, Африка, Латин Америкаси халқларининг империализмга қарши тобора кенгайиб бораётган жангларида Лениннинг улуғ идеялари яшамоқда ва тантана қилмоқда.

Тинч-тотув яшаш сиёсатини ленинчасига тушунганда, бу сиёсат инсониятни жаҳон миқёсида қирғинчилик урушидан халос этишга, империалистик қароқчиларни яккалаб қўйишга, социалистик мамлакатларга ўз афзалликларини тўлароқ намоён қилиш ва қисқа муддат ичида иқтисодий соҳада капитализмни мағлубиятга учратиш имкониятини беришга, капиталистик мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг эксплуататор тузумга қарши курашини кучайтириш учун, миллий-озодлик ҳаракатини тағин ҳам кучлироқ тарзда авж олдириш учун қулай шарт-шароитларни таъминлаб беришга қаратилгандир. Худди шунинг учун ҳам тинчлик сиёсати ер шарининг ҳамма қисмига ленинизмни ёйишга жуда кўп даражада ёрдам бермоқда.

Демак, халқаро майдонда икки позиция, икки йўл — империализм йўли билан социализм йўли тобора кўпроқ бўртиб кўринмоқда.

Ҳалокатга маҳкум этилган капитализм инсониятнинг ҳаётий манфаатларини назар-писанд қилмай, қуюшқондан чиқиб кетмоқда. Агрессив доиралар хатарли авантюралар қилмоқда, улар бутун ер шари аҳолисининг бошига термоядро урушининг зарбаларини ёғдиришга ҳам тайёрдир. Бу — куни битиб қолган одамларнинг мантиқи ва ҳаракатидир. Ҳозирги замон капитализми корчалонларининг фалсафасини қисқача қилиб: «Биздан кейин қиёмат-қойим бўлмайдими», деган сўзлар билан ифодалаш мумкин.

Халқаро социализм инсониятга душманликдан иборат бўлган ана шу йўлга ўз позициясини қарама-қарши қўймоқда. Социализм инсониятнинг тақдири учун, одамларнинг асосий кўпчилиги манфаатлари учун, цивилизация ва маданият учун масъулиятни ўз зиммасига олиши мумкин ва олади. Социализм ўз программасини илгари сурди, бу программанинг амалга оширилиши инсониятга тинчлик, халқлар учун миллий озодлик ва мустақиллик, эркин ва фаровон ҳаёт беради. Ленинизмнинг, ленинча сиёсат ва идеологиянинг буюк халоскорлик миссияси ана шундан иборат.

Биз шундай бир даврда яшамоқдамизки, революцион кучларнинг актив ҳаракатлари натижасида тарихнинг ўзи коммунизмнинг иттифоқчиси бўлиб қолди. Тарихнинг шахдам қадами жадаллашмоқда. Тарих марксизм-ленинизмнинг бир муваффақиятидан иккинчи муваффақияти сари чинакам большевистик суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

IV.

КОММУНИСТИК ҲАРАКАТНИНГ ЛЕНИНЧА ЖИПСЛИГИ УЧУН

Ўртоқлар! Социализм мамлакатларининг, жаҳон коммунистик ҳаракатининг бирлиги — барча демократик, прогрессив кучлар жипслигининг асоси, халқаро ишчилар синфи ғалабасининг гарантиясидир. В. И. Ленин коммунистларга ягона бир сафда қўлни қўлга маҳкам бериб, олға қараб борингиз, капитализмга қарши, коммунизм тантанаси учун курашда ўз халқаро жанговар иттифоқингизни бутун чоралар билан мустаҳкамлангиз, деб таълим берган эди. «Бутун дунё пролетариати, сўнгра барча мамлакатларнинг бутун меҳнаткашлар оммаси ва бутун жаҳондаги миллатлар иттифоқ тузиш ва бирлашишга ўз ихтиёрлари билан интилмасалар, капитализм устидан ғалаба қилишни муваффақият билан тугаллаш мумкин эмас», — деб Ленин масалани ана шу тахлитда кескин ва қаттиқ қўйган эди. (Асарлар, 31 том, 145-бет).

Ишчилар синфи буржуазияга нисбатан кучсизроқ бўлган даврда интернационал жипслик мутлақо зарур эди. Лекин бу жипслик кучлар нисбати ишчилар синфи фойдасига тамомила ўзгариб кетган ҳозирги вақтда ҳам шунчалик зарурдир. Чунки жаҳон пролетариатининг кучигина ортиб бормай, шу билан бирга инсониятнинг тақдири учун, цивилизация ва маданият учун, ўн миллионлаб ва юз миллионлаб кишиларнинг бахт-саодати ва ҳаёти учун унинг тарихий масъулияти ҳам ортиб бормоқда. Бинобарин, коммунизм қанча кўп ғалабага эришган, капиталистик тузумнинг заволи қанча яқинлашган сайин, коммунистлар бутун жаҳон армиясининг иттифоқи шунча мустаҳкамроқ бўлиши керак, ленинча пролетар интернационализми принципи халқаро коммунистик ҳаракат жипслиги учун ҳар қайси коммунистик партия амалда кураш олиб боришни кераклигини тақозо қилади. Ленинизмнинг ҳақиқий курашчилари коммунистик ҳаракатнинг жипслигини қадрламоқлари ва уни мустаҳкамлаш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилмоқлари керак.

Қардош партиялар вакилларининг Москва кенгашлари қабул қилган 1957 йилги Декларация ва 1960 йилги Баёнот ҳозирги замон шароитида бутун дунё коммунистларининг жанговар программасидир. Башарти, Маркс, Энгельс ва Ленин тирик бўлганларида, улар шак-шубҳасиз: «Бизнинг издошларимиз тўғри йўлни тузиб олишди. Шу йўлга амал қилиб, янгидан буюк ғалабаларга эришаверинг», — деган бўлур эдилар. Москва кенгашлари ҳужжатларининг ҳамма принципларини КПСС оғишмай бажариб келяпти.

Коммунистик ҳаракат реакцион кучларга қарши, турли оппортунистик оқимлар — ревизионистлар, догматиклар ва сектантларга қарши, миллатчиларга, ўнг таслимчилар ва «сўл» авантюристларга қарши кураш олиб бориб, ривожланмоқда ва мустаҳкамланмоқда. В. И. Ленин ревизионизмга нисбатан муросасиз эди. Бироқ ҳар гал «сўл» оппортунизм жиддий хавф бўлиб кўрина бошлаган пайтда, Ленин бундай деб огоҳлантирар эди: агар бундай «...«сўл» бемаъниликка қарши қатъий ҳужум қилинмаса, у ҳолда бутун ҳаракатимиз ҳалок бўлади деяверинг. Менинг қатъий фикрим ана шундай». (Асарлар, 32-том, 522-бет). Ҳозирги шароитда «сўл» оппортунизмнинг хавфи ревизионизмнинг хавфидан кам эмас. Ўнг ва сўл оғмачиликларга қарши, миллатчиликка қарши КПСС қатъият билан олиб бораётган кураш—халқаро коммунистик ҳаракат сафларидаги бирликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим факторидир. Ҳамиша ҳақиқат коммунистик ҳаракатни ўнг оппортунистик ботқоғига судраб киришга ёки уни хатарли ўтареволюцион сафсатабозлик йўлига солиб юборишга уринаётган кишилар томонида бўлмайди, балки марксча-ленинча йўлдан оғишмай бораётган кишилар томонида бўлади. Коммунизм тантанасига олиб борувчи бирдан-бир тўғри йўл ана шу!

Коммунистик ҳаракатда жаҳон тараққиётининг у ёки бу проблемаларига турли муносабатда бўлиш ҳоллари юз бериши мумкин, албатта. Лекин фикрлар келишиб олинган бош йўл доирасида таққослаб кўрилмоғи, бу эса коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлашга ёрдам бермоғи керак. Ҳали капитализм ва реакция кучларига қарши кўп жанглар қилишга тўғри келади. Марксизм-ленинизм принципларига асосланган бирлик, бирлик ва яна бир карра бирлик коммунистик ҳаракатга ҳар қачонгидан ҳам зарурдир.

Партиямиз Марказий Комитети кўраётган ҳамма чоралар коммунистик ҳаракатнинг олий манфаатларидан, юз берган келишмовчиликларни бартараф қилиш учун, коммунистларнинг бўлажак жаҳон форуми ҳамма қардош партияларнинг марксизм-ленинизм принципларига асосланган жанговар ва бузилмас жипслигини яна намойиш қилиши учун қулай вазият ҳозирлаш иштиёқидан келиб чиқмоқда.

Коммунистларнинг бир гала душманлари бор. Коммунистларнинг ҳамма кучлари, айни ана шу душманларга қарши қаратилмоғи, уларнинг идеология соҳасидаги барча қуроллари ана шу душманларга қарата ўт очмоғи керак. Ленинизмга садоқат қардош партиялар зиммасига муштарак манфаатлар билан ҳисоблашиш, хусусан, ҳамма учун умумий бўлган проблемаларга тааллуқли масалалар устида гап борганида, ўз қилаётган ишларининг бошқа марксчи-ленинчи партиялар фаолиятига кўрсатадиган таъсирини ҳамиша назарда тутиш вазифасини юклайди.

Кўпгина мамлакатларнинг коммунистик партиялари бениҳоя оғир шароитларда кураш олиб бормоқдалар. Империализм ва реакцияга қарши, меҳнаткаш халқ манфаатлари учун олиб борилаётган ана шу қаҳрамонона жанг кун сайин авж урмоқда. Испания, Португалия фашистларининг қамоқларида, Греция, Ғарбий Германия, Аргентина, Перу, Венесуэла, Парагвай, Таиланд ва бошқа мамлакатларнинг тюрьмалари ва жабр-ситамли лагерларида минглаб коммунистлар азоб-уқубат ичида ётибди. Яқинда Ироқ ва Испаниянинг шонли коммунистик партиялари бошига янги кулфатлар тушди. Жанговар ўртоқларимиздан Хулиан Гримау ва Ҳусаин Арради ваҳшиёна реакция қўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар.

Лекин коммунистларнинг матонатини на қийноқлар, на ўлим жазолари синдира олади. Уларга куч бағишлаётган, революцион кураш туфайли ҳамма машаққатларни ва муҳтожликларни, азоб-уқубатларни енгишларига имкон бераётган нарса нима? Бу — ленинизм, унинг тарихий ҳаққонийлигидир, Совет Иттифоқининг, бошқа социалистик мамлакатларнинг зафарли практикаси, жаҳон коммунистик ҳаракатининг практикаси унинг бу тарихий ҳаққонийлигини тасдиқлади. Ҳалок бўлганлар ўрнини янги-янги жангчилар эгалламоқдалар ва буюк Ленин армиясининг сафлари бутун дунёда ўсиб, кенгайиб бормоқда.

Империалистик лагерь корчалонлари коммунизмнинг йўлини полиция таёқлари, ўқлар билан тўсиб қўйишга уринмоқдалар. Сиёсий кўрлар! Коммунизм шу қадар чуқур илдиз отиб кетганки, унинг пайини ҳеч қандай репрессиялар билан қирқиб бўлмайди, буни улар тушунмаяптилар. Капиталистик дунёнинг социал негизлари емирилиб ва пай-пайидан қирқилиб бўлган, тобора кескинлашиб кетаётган ички чуқур зиддиятлар уни пора-пора қилмоқда. Ҳозирги замоннинг барча революцион кучлари капиталистик дунёга қарши курашга отланди. Коммунистлар В. И. Ленин таълим берганидек, келажак «ҳар ҳолда ўзлариники» эканлигини яхши билиб, комил ишонч билан дадил олға бормоқдалар.

Тарих Ленин башорат қилган тарзда коммунизм томон ривожланиб бораётганлигини давримиздаги ҳамма асосий воқеалар шак-шубҳасиз тасдиқлаб турибди. Ҳозирдаёқ инсониятнинг учдан бир қисми социализм дунёсида яшамоқда. Планетамиз узра ленинизм тонги тобора кучлироқ балқиб чиқмоқда.

Совет халқи, барча мамлакатлардаги халқ оммаси Ленин туғилган кунни ва Ленин идеяларининг зафарли намойишини нишонлар эканлар, ленинизм тантанаси йўлида бундан буён олиб бориладиган жанглар учун янги куч-қувват орттирадилар.

Яшасин ленинчи Коммунистик партиямиз!

Яшасин ишчилар синфининг тинчлик ва коммунизм тантанаси учун курашда зафарли қуроли — ленинизм!

(Ўртоқ Б. Н. Пономаревнинг доклади бир неча марта қарсаклар билан бўлиниб турди).

ЛЕНИН НОМИ БИЛАН КОММУНИЗМ САРИ, ОЛҒА!

Революция йўлбошчиси, Коммунистик партия ва жаҳонда биринчи Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленининг номи Совет Ўзбекистони меҳнаткашларига беҳад яқин ва азиздир. Ильич туғилган куннинг 93 йиллигини республикада кенг нишонламоқда.

Ана шу шонли воқеага бағишлаб, 22 апрелда Тошкентдаги Навоий номли театрда тантанали мажлис бўлиб ўтди. Бу ерга ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, фан ва маданият арбоблари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг ҳамда маҳаллий гарнизон ҳарбий қисмларининг вакиллари, кенса большевиклар, гражданлар урушининг ва Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ўрнатишнинг қатнашчилари тўпландилар.

Мажлис президиумида КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг раиси В. Г. Ломоносов, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари В. А. Карлов, Р. Қурбонов, М. М. Мусахонов, Ё. С. Насриддинова, И. И. Федюнинский, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидатлар Қ. Муртазоев, И. М. Нажесткин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов, СССР Олий Советининг ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари ҳамда бошқа раҳбар партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимлари, революцион-ҳаракат ветеранлари ўтирибдилар.

Тантанали мажлисни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Қ. Муртазоев очади.

Оркестр ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат гимнларини ижро этади.

Мажлис қатнашчилари узоқ давом этган гулдурос қарсаклар остида содиқ ленинчи, тинчлик учун толмас курашчи ўртоқ Н. С. Хрушчев бошлиқ КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Президиумини фахрий президиумга сайладилар.

Доклад қилиш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари **Н. Ж. Худойбердиевга** сўз берилади.

Социалистик Ватанимизнинг халқлари, бутун прогрессив инсоният, дейди докладчи, Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 93 йиллигини меҳнатда янги зафарлар қўлга киритилаётган бир вазиятда — коммунизм тантанаси йўлида оммавий қаҳрамонлик кўрсатилаётган, ижодий илҳомкорлик билан улуғвор ишлар амалга оширилаётган кунларда нишонламоқдалар.

Ҳозирги тарихий давр — абадий барҳаёт Ленин идеяларининг буюк зафарли тантанаси даврдир. Жаҳон тараққиёти Владимир Ильич Ленин башорат қилган тарзда бораётганлигини турмуш яққол кўрсатиб турибди. Тарих Ленин айтган тарзда ривожланмоқда.

Партия XX, XXI ва XXII съезд.ларининг, КПСС Марказий Комитети пленумларининг қарорлари ва материаллари, ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевнинг докладлари ва нутқлари ҳозирги замонинг янги проблемаларини марксча-ленинча ишлаб чиқишда алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир. Партиянинг, партия Марказий Комитетининг зўр назарий қудрати КПСС Программасида ўзининг энг тўла ифодасини топди.

Докладчи абадий барҳаёт Ленин васиятларини амалга ошириб, совет кишилари улуғвор ғалабаларни қўлга киритганликларидан далолат берувчи ёрқин мисолларни кўрсатиб ўтади.

Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш йўлидаги умумхалқ курашига Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ўзбекистон ССР мамлакатнинг йирик саноат марказларидан бири, унинг асосий пахта базаси бўлиб қолди. Ҳозир Ўзбекистонда саноатнинг етмишдан ортиқ тармоғи бор, шулар орасида қора ва рангли металлургия, машинасозлик ва химия корхоналари, қўмир ва нефть чиқарувчи корхоналар муҳим ўрин тутади. Эндиликда газ саноати республиканинг жуда катта бойлигидир. Ўзбекистоннинг социалистик индустрияси ўз суръатларини тобора ошириб бормоқда. У, асосий кўрсаткичлар бўйича етти йилликнинг контроль рақамларидан ўзиб кетди. Бир қанча жуда муҳим маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳасида 1965 йил учун белгиланган даражага 1962 йилдаёқ эришилди.

Республика қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари катта ютуқларга эришмоқдалар. Тўрт йил ичида Ўзбекистон колхоз ва совхозлари Ватанга бундан илгариги тўрт йилдагига нисбатан 210 минг тонна кўп «оқ олтин» бердилар. Партия ташкилоти ва қишлоқ меҳнаткашлари ана шу энг қимматли хом ашёни етиштириши кескин кўпайтириш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар.

Республика пахтакорлари КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати, шахсан Н. С. Хрушчевнинг доимий меҳрибонлиги ва ғамхўрлигини сезиб турибдилар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Пахтани харид қилиш ва топшириш нархларини ошириш тўғрисида ва пахтакор колхозларга ғалла сотиш ҳақида» яқинда қабул қилган қарори — ана шу оталарча ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Бу қарор пахтачиликни янада кескин суратда юксалтириш учун чексиз имкониятлар очиб бермоқда, мўл пахта учун курашдан ҳар бир қишлоқ меҳнаткашининг моддий манфаатдорлигини оширмоқда.

Ҳозир колхоз ва совхоз далаларида экишнинг авжи долзарб пайти бўлиб, пахтадан мўл ҳосил етиштиришни таъминлаш соҳасидаги ишлар кенг кўламда олиб борилмоқда. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу йил Ватанга 3 миллион 566 минг тонна «оқ олтин» беришга қаттиқ бел боғлаганлар.

Республика меҳнаткашларининг фаровонлиги йилдан-йилга ошмоқда ва Ўзбекистон маданияти барқ уриб яшнамоқда. Илм-фан, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш ишлари, адабиёт ва санъат, физкультура ва спорт тобора кўпроқ равнақ топмоқда. Ўзбекистон фан ва маданиятни ривожлантириш даражаси жиҳатидан, халқ хўжалигига мутахассислар тайёрлаб бериш жиҳатидан ўзига қўшни бўлган хорижий Шарқ мамлакатларидангина эмас, балки Ғарбдаги ривожланган кўпгина капиталистик давлатлардан ҳам анча ўзиб кетди.

КПСС Марказий Комитетининг Ўрта Осиё Бюроси, Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши ва Ўрта Осиёнинг бошқа ташкилотлари тузилганлиги Ўрта Осиёдаги барча қардош республикаларнинг халқларини иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан янада яқинлаштиришда муҳим роль ўйнайди. Партия СССРдаги барча халқларнинг экономикаси ва маданиятини янада, ҳар тарафлама яшнатишга, миллатлар ва элатларнинг гоявий бирлигини кучайтиришга, ҳар бир халқнинг прогрессив традицияларини қўллаб-қувватлашга ва айни бир маҳалда коммунизм қурувчиларининг ҳамма халқлар учун ягона бўлган янги революцион традицияларини ривожлантиришга бундан буён ҳам ҳаракат қила беради.

Бизнинг ютуқларимиз шак-шубҳасиздир. Лекин улуғ Ленин эришилган натижалар билан хотиржамланиб қолмаслик, янги резервларни қидириш, халқнинг ижодий ташаббускорлигини кенг авж олдириш, эртага бугунгидан яхшироқ ишлаш ҳамда коммунизм сари олға шаҳдам қадам ташлаб боришимизда кун сайин тобора янги-янги марраларни эгаллаш керак, деб таълим берган эди.

Докладчи улуғ Ленин идеяларининг ҳамиша ғолибона кучи тўғрисида гапириб, В. И. Ленининг Совет Иттифоқи ўз ибрат кучи билан бошқа мамлакатларга тобора кўпроқ таъсир кўрсатаверади, деган сўзлари рўёбга чиқди, дейди. Жаҳон социалистик системасининг куч-қудрати йилдан-йилга ривожланиб ва мустаҳкамланиб бормоқда.

Докладчи пировардида бундай дейди:

— Ленин идеялари эндиликда неча юз миллионлаб кишиларни илҳомлантирувчи енгилмас моддий куч бўлиб қолди. Инсониятнинг улуғвор истиқболи унинг кўз олдида тобора равшанроқ гавдаланмоқда, бу истиқбол фақат коммунизмдир.

Бизнинг халқимиз улуғ коммунистлар партиясининг етакчилигида эзгу мақсад сари комил ишонч билан шаҳдам қадам ташлаб олға бормоқда. Партиямизнинг бутун фаолияти — унинг ажойиб теран тафаккуридан, ленинча донишмандлигидан, улуғвор ижодий кучидан яққол далолат бериб турибди.

Ленининг номи, унинг ишлари ва таълимоти асрлар бўйи яшайди. Ленин иши енгилмасдир!

Мажлис қатнашчилари барча совет кишиларининг фикр ва туйғуларини ифодаловчи бу сўзларни қизғин қарсаклар билан қутиб оладилар.

Мажлис қатнашчилари зўр кўтаринкилик вазиятида КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчевга табрикнома қабул қилдилар.

Зал гумбазлари остида партия гимни — «Интернационал» улуғвор жаранглайди.

* * *

Тантанали мажлис қатнашчилари учун санъат усталари нучи билан катта концерт қўйиб берилди.

(ЎзТАГ).

БУТУН ИШИМИЗНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИДАН

<>

Ўзбекистон пойтахтининг коммунистлари, КПСС Марказий Комитетининг «Тошкент шаҳар партия ташкилотида раҳбар кадрлар билан олиб борилаётган гоявий-тарбиявий иш тўғрисида»ги қарорига миннатдорчилик билан, бу — одамлар билан ишлашнинг катта мактабидир, деб ном беришди. Шаҳар партия комитетининг 19 апрелда бўлиб ўтган пленуми ана шу ҳужжатни раҳбарлик ва бажариш учун қабул қилди.

— Бизнинг ҳисоботимиз КПСС Марказий Комитетида муҳокама қилинди, буни биз лекинчи Марказий Комитет кадрларимиз, партия ташкилотимиз тўғрисида, совет Ўзбекистони пойтахти Тошкентнинг экономикаси ва маданиятини муттасил юксалтириш тўғрисида қилаётган ғамхўрликнинг, бераётган бебаҳо ёрдамнинг ва кадрларимизга, партия ташкилотимизга кўрсатган зўр ишончнинг ифодаси, деб билмоқдамиз,— деди докладчи, шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Қ. М. **Муртазоев.**

Докладчи таъкидлаб айтдики, Ўзбекистонда Совет ҳокимияти йиллари мобайнида партиянинг ленинча миллий сиёсати оғишмай амалга оширилганлиги натижасида, улуғ рус халқининг ва бошқа совет халқларининг бегараз ёрдами туфайли ишлаб чиқарувчи кучларни яшнатиш, кадрлар етиштириш ва тарбиялаш соҳасидаги самарали иш билан боғлаб олиб борилди. Саноат корхоналарида, ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтларида, маданият муассасаларида раҳбар ходимлар билан мутахассисларнинг кўпминг кишилик отряди ишлаб турибди. Шаҳар партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларида тажрибали, ташаббускор кадрлар ўсиб етишди. Ана шуларнинг ҳаммаси хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилишга ёрдам бермоқда.

Бироқ, деди докладчи, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма тармоқларида бундан ҳам кўпроқ ютуқларга эришишимиз мумкин эди. КПСС Марказий Комитетининг қарорида имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга халқит бериб турган жиддий камчиликлар ҳақида гапирилади. Раҳбар кадрларни гоявий жиҳатдан тарбиялаш соҳасида Тошкент шаҳар партия ташкилотининг иш савияси ҳали КПСС XXII съезди, партия Программаси талабларига жавоб бермаяпти.

Сиёсий маориф кадрларни гоявий жиҳатдан чиниқтиришнинг энг муҳим қуролидир. Ўтган йил партия маорифи шохобчасида 120 мингдан кўпроқ киши ўқиди, назарий семинарлар ўтказиш кенг қўлланилмоқда. Лекин КПСС Марказий Комитетининг қарорида кўрсатиб ўтилганидек, шаҳар партия комитети раҳбар кадрларнинг партия комитетлари ҳузурида ўқишини ташкил этишга тегишинча эътибор бермаяпти. Шаҳар партия активининг семинарлари ўз ишини тўхтатиб қўйди. Мактаб ва семинарлардаги машғулотлар кўпинча расмият учун ўтказилмоқда, ходимларни ўз гоявий-назарий савиясини оширишга, амалий фаолиятини англаб олишга рағбатлантирмаяпти. Раҳбар кадрларнинг мустақил ўқиши яхши контроль қилиб борилмаяпти.

Раҳбар кадрларнинг марксча-ленинча ўқишини ва уларни тарбиялашга чуқур, планли тарзда олиб бориш соҳасидаги тадбирлар системасини пухта ўйлаб кўрмоқ зарур. Кадрларни иқтисодий билимлар билан қуроллантиришга алоҳида эътибор бериш керак. Корхона раҳбарлари, цех бошлиқлари ва мактабларнинг талайгина қисми ҳозир иқтисодий ўқишга тортилган эмас. Масалан, «Узбексельмаш» заводида раҳбар ходимлар ва мутахассисларнинг фақат тўртдан бир қисми, уйсозлик комбинатида эллик етти кишидан атиги тўрттаси иқтисодий билимини оширмоқда. Ваҳолонки, тўқимачилик комбинати, «Ташкентқабель» заводи, канап фабрикаси сингари бир қанча корхоналар иқтисодий ўқишни йўлга қўйишда бир талай тажриба орттирган. Иқтисодий билим олишнинг ҳамма формаларини — иқтисодий ва илмий техника билимлари университетларини, иқтисодий лекторийларни, назарий конференцияларни ривожлантириш ва такомиллаштириш керак.

Бутун республика меҳнаткашлари сингари, Тошкент меҳнаткашлари ҳам, социалистик интернационализм ва халқлар дўстлиги позицияларида мустаҳкам турибдилар, чирик миллатчилик увадасини ахлатхонага абадий улоқтириб ташлаганлар. Тошкентда яшовчи 50 дан ортиқ миллат вакиллари қўлни-қўлга бериб, коммунистик меҳнат учун мусобақалашмоқдалар. Ҳали ҳам баъзан айрим миллий маҳдудлик, маҳаллийчилик фактлари учраб турган бўлса, буни фақат тегишли тарбиявий ишнинг йўқлиги билан изоҳлаш мумкин. Атеистик пропагандага ҳам кўпроқ эътибор бериш керак.

Кадрларни гоявий жиҳатдан тарбиялаш мамлакатнинг асосий иқтисодий вазифасини ҳал қилиш билан узвий равишда боғланган-дир. Ҳар бир раҳбарнинг етуклиги аввало, у партия ва ҳукуматнинг иқтисодий қурилиш соҳасидаги директиваларини қандай амалга ошираётганлиги билан белгиланади. Ўтган йили ва шу йилнинг биринчи кварталида йигирмадан кўпроқ корхонанинг планни бажармаганлигига кадрлар билан ишлашдаги нуқсонлар, айрим раҳбарларнинг масъулиятсизлиги ва иш савиясининг пастлиги сабаб бўлди.

В. И. Ленин коммунистларга, айниқса, раҳбарларга кун сайин омма билан муомилада бўлиш, халқ билан чамбарчас алоқа боғлаш, кишиларнинг эҳтиёжлари ва талабларига гоят эътибор билан қараш керак, деб таълим берган эди. Партия раҳбар ходимлар агитация-пропаганда ишида шахсан қатнашсинлар, деб талаб қилмоқда. Лекин сиёсий ва хўжалик вазифаларни ишчи ва хизматчиларга тушунтириб беришни, одамлар билан доимо алоқада бўлишни ўз бурчи деб билмаётган раҳбарлар учраб туради. Идеология ишини менсимаган раҳбар партиянинг асл жангчиси бўла олмайди. Шунинг натижасида ишга зарар келтирувчи қуруқ маъмуриятчилик пайдо бўлади. Ўдағайлаш, хайфсан бериш — трамвай-троллейбус трестида қўлланилаётган бирдан-бир «тарбия» методи бўлиб қолаёзган.

Шаҳар партия ташкилоти кўзбўямачилик, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш фактларига карши кескин курашмоқда. Ўзининг раҳбарлик бурчи ва ор-номусини унутиб қўйган, партия аъзосига номуносиб ҳаракатлар килган кишилар қаттиқ жазога тортилмоқда.

Қ. М. Муртазоев Тошкент меҳнаткашлари олдида турган бу йилги асосий вазифаларга тўхталиб ўтди, улар Ўзбекистон қабул қилган мажбуриятни — 3 миллион 566 минг тонна пахта топшириш мажбуриятини бажариш учун курашга қандай ҳисса қўшишлари кераклиги ҳақида гапирди. КПСС Марказий Комитетининг қарорида берилган йўл-йўриқлар ва маслаҳатлар, деди докладчи, Тошкент шаҳар партия ташкилотига ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришда ёрдам беради.

— Ҳозир, КПСС Марказий Комитети май Пленуми арафасида биз идеология арсеналимизни яна бир марта кўздан кечиришимиз, кадрларни тарбиялаш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланилаётирми ёки йўқми, буни яна бир марта текшириб чиқишимиз керак,— деди Ленин район партия комитетининг биринчи секретари **В. В. Окунский.**— Бу имкониятлар эса идеология ишлари бўйича яқинда Тошкентда бўлиб ўтган кенгашдан кейин, шаҳар партия ташкилотининг ўши КПСС Марказий Комитетида муҳокама қилинганидан кейин анчагина кўпайди.

Октябрь революцияси номли заводда, депода кадрларни гоявий жиҳатдан чиниқтириш юзасидан анчагина ижобий тажриба тўпланди. Район партия комитети тузган партия активининг хўжалик қурилиши бўйича мактаби кадрларни тарбиялашнинг яхши формаси эканлиги маълум бўлди.

— Лекин биз ҳали ҳам ҳар бир ишчининг қалбига етиб бораётганимиз йўқ, — деб тан олди нотиқ. — Бу соҳада мастер ҳал қилувчи роль ўйнаши мумкин бўлур эди.

«Ташсельмаш» заводидаги 15-цех автоматлар участкасининг мастери Д. Н. Небольсин бутқи бу фикрнинг давомига ўхшаб кетди.

У, раҳбарлик қилаётган участка коммунистик меҳнат коллективи деган номни олди. Ёш коммунист мастер бўлиб ишлай бошлаганида, яъни ўтган йилнинг ёз фаслида участка қолоқ эди. Шу нарса характерлики, мамлакатимиз ҳаёти ҳақида, халқаро аҳвол ҳақида ўтказилган суҳбатлар коллективни жипслаштиришнинг «калити», шу соҳада қўйилган дастлабки қадам бўлди. Бу суҳбатлар Дмитрий Небольсиннинг ўртоқларига ўз мақфаатлари умумий эканлигини янги куч билан ҳис қилишга, Ватан олдидаги ўз бурчларини тушуниб олишга ёрдам берди. Бу эса конкрет ишларда ўз ифодасини топди. Участка контролёрлардан воз кечди — уларнинг вазифасини жамоатчи контролёрлар ўз зиммасига олди. Натижада брак 3 процентдан ярим процентга тушди.

В. И. Ленин номли университетнинг ректори **О. С. Содиқов** ўз нутқини ёшлар тарбиясига бағишлади. Интернационал кечалар, Ватанимизнинг барча халқлари учун иккинчи она тили бўлиб қолган ва Владимир Ильич гаплашган рус тили ҳақидаги суҳбатлар студентлар ўртасида катта обрў қозонди.

Нотиқ таъкидладики, ўқитувчиларнинг ҳаммаси тарбиячига нисбатан қўйиладиган талабларга жавоб бермоғи учун уларнинг зиммасига алоҳида масъулият юкланади. Университет партия ташкилоти ва раҳбарлари назарий семинарлар ўтказмоқдалар, энг яхши ўқитувчиларнинг тажрибасини ўрганмоқдалар, ёшларга намуна бўла олмайдиган кишиларни ўқитувчиликдан қатъиян четлаштирмоқдалар. Эстетик тарбияга катта эътибор берилмоқда.— деди О. С. Содиқов — Бадиий дидни тарбиялаш, ёшларни санъатдан баҳраманд қилиш керак.

— Партия ва ҳукумат раҳбарларининг ижодий интеллигенция билан учрашувлари янги одамни тарбиялаш учун курашда адабиёт нақадар муҳим роль ўйнашини яна бир марта кўрсатиб берди, — деди Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правленнесининг секретари **Г. Владимиров.**

Нотиқ шу кунларда бошланган ташаббусга — адабиёт ва санъат арбобларининг пойтахт корхоналарига бориб, учрашувлар ўтказаётганликларига юксак баҳо берди.

Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари **М. М. Муллаев** кадрлар характерини шакллантиришда, уларни тарбиялашда жамоатчилик фикрининг кучи ҳақида гапирди. Украиналик колхозчи Н. Г. Заглада ва ленинградлик ишчи И. Д. Леонов мурожаатини район меҳнаткашлари қизғин кутиб олдилар. Бунда гап ҳамма учун муҳим нарса ҳақида — коммунизм қурувчисининг шарафи ҳақида боради. Кўпгина коллективлар бу мурожаатларни муҳокама қилиб, бракчиларга, дангасаларга, текинхўрларга қарши курашни кескин кучайтирдилар.

Нотиқ клублар ва парклар фаолияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Унинг фикрича, айрим ходимларга хос бўлган коммерция руҳи баъзан бу ерда асосий вазифани — оммани тарбиялаш вазифасини бажаришга халақит бермоқда. Бу муассасаларни маданият манбаига ва меҳнаткашлар севиб дам оладиган жойга айлантириш ҳақида ўйлаб кўриш керак.

— Идеология иши сифатининг мезони амалий ишлардир, — деди Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари **М. Я. Буреш.** — «Инженерлик соати» харакатини бошлаб берган экскаватор заводи коллективининг ташаббуси кўпгина корхоналарга ёйилганлигида пропагандистларнинг хизмати катта. Пропагандистлар состави анча яхшиланди. Бу ишга корхоналарнинг кўпгина раҳбарлари, партия ходимлари жалб қилинди. Айни вақтда мастерларни, цех бошлиқларини тарбиялашга ҳали ҳам кам эътибор берилмоқда. Бу вазифаларни кўпинча фақат практикагагина эга бўлган кишилар эгаллаб турибдилар. Уларга маълумот олишда ёрдам кўрсатиш керак.

Тўқимачилик комбинати 2-ип йигирув фабрикаси партия бюросининг секретари **Н. П. Попова** ҳам экскаватор заводи коллективи ташаббусини раҳбар кадрлар ва мутахассислар активлигини оширишга самарали таъсир кўрсатганлиги ҳақида гапирди. Бу корхонанинг ҳар бир инженер-техник ходими ишлаб чиқаришни юксалтиришга ёрдам берадиган янгиликлари ёзиб бориладиган шахсий варақа очди.

Комбинатда кадрлар илғорлар тажрибаси асосида маҳорат билан тарбияланмоқда. Юзларча мутахассислар ва ишчилар қисқа муддатли курсларда ўқимоқдалар, мамлакатнинг энг яхши корхоналарини бориб кўрмоқдалар, техника тараққиёти университетида шуғулланмоқдалар.

Музокараларда, шунингдек тепловоз депосининг мастери **А. А. Арутюнов,** Киров район партия комитетининг биринчи секретари **О. А. Акрамов,** «Узгоспроект» институти партия бюросининг секретари **А. М. Вашчилина,** 1-тикувчилик фабрикасининг 3-цех бошлиғи **А. Д. Паршукова** сўзга чиқдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** нутқ сўзлади.

Кадрларнинг гоявий-сиёсий тарбиясини яхшилашга, уларнинг куч-гайратини коммунистик қурилишнинг улуғвор планларини амалга ошириш учун сафарбар қилишга қаратилган кенг қарор қабул қилинди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг раиси В. Г. Ломоносов, Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгашининг раиси С. И. Кадишев, Ўзбекистон КП Тошкент саноат область комитетининг биринчи секретари П. В. Каймаков иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ВАТАН ТЕХНИКАСИ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ САҲИФА

Фан ва техника соҳасидаги ўн тўққиз оригинал иш 1963 йилги Ленин мукофотига сазовор бўлди. Булардан ўнтаси техникага оиддир. Бу ишлардан металлургия, машинасозлик, химияда, қишлоқ хўжалиги ва медицинада кенг фойдаланилмоқда. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги фан ва техника соҳасида Ленин мукофотлари комитети раисининг ўринбосари Ю. Е. Максарев ТАСС муҳбирига қуйидагиларни айтди.

Техника соҳасида шундай янгиликлар борки, улар ҳаётда ўзларига жуда тез йўл очиб оладилар. Эрувчи электрод билан углерод оксидида металлни автоматик электр ёйли пайвандлашнинг янги усули ҳам шулар жумласидандир.

Бу усулни учта йирик муассаса — Технология ва машинасозлик марказий илмий тадқиқот институти, Авиация технологияси илмий тадқиқот институти ва Украина фанлар академияси Е. О. Патон номидаги электр пайвандлаш институти олимлари ишлаб чиқдилар. Тадқиқотчиларнинг таклифларини саноат ходимлари қайётга татбиқ қилиб, ўз практикаларида металларни электр пайвандлашнинг прогрессив усулини жорий этдилар.

Янги усулдан легирли, таркибида углерод кам бўлган, зангламайдигак ва ўтга чидамли пўлатларни бир-бирига жипс мустаҳкамлашда муваффақиятли фойдаланмоқдалар. Бу усул машинасозликнинг турли соҳаларида, газ қувурлари қурилишида ҳозироқ кенг қўлланилмоқда. Мамлакатда металларни углерод оксидида пайвандлайдиган 7 минг автомат ва ярим автомат ишламоқда.

Углерод оксидида пайвандлаш усулини яратганликлари учун уникг авторлари К. В. Любавский, Н. М. Новожилов, Д. А. Дудко, А. Г. Потапьевский, А. В. Петров, А. И. Акулов, А. А. Вичегжанин, В. Ф. Заботинларга Ленин мукофоти берилди.

Совет турбинасозлиги бутун дунёда шуҳрат қозонган. Ленинград металл заводининг ходимлари машинасозликнг бу соҳасига қимматли ҳисса қўшдилар. 1958 йилда улар 200 минг киловатт қувватга эга бўлган ҳамда 565 градус температурада 130 атмосфера буг босими билан ишлайдиган «ПВК-200-130» буг турбинасини яратдилар. Ҳозир ана шундай турбиналардан 11 таси ишлаб турибди. «ПВК-200-130» турбинасини яратган авторлар — А. С. Бутирин, М. И. Гринберг, О. Г. Гродский, Э. Д. Долинский, А. В. Левик, К. А. Спиридонов, А. И. Чижик, А. М. Яковлев, И. С. Квотер меҳнати В. И. Ленин номли мукофотга сазовор бўлди.

Мамлакатимизда катта химиянинг ривожланиши, саноат ва уйжой қурилишининг кенг авж олганлиги турли диаметрдаги қувурларга талаби муттасил ошириб бормоқда. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришкинг бу тармоғини кенгайтиришга қаратилган ҳар қандай ташаббус рағбатлантирилмоқда. А. С. Буров, А. М. Маскилейсон, А. Е. Гуревич, А. Б. Верник, Н. И. Каган, П. В. Бибиков, Я. Т. Осадчий, И. М. Усачев, Ю. М. Матвеевларга қувурларни печда узлуксиз пайвандлайдиган гоят тезкор типовой агрегат яратганликлари учун мукофот берилди. Уларнинг лойиҳасига биноан Челябинск заводида сув ва газ қувурларини пайвандлаш имконини берадиган оригинал установка қурилди ва ишга туширилди. Жуда пухта ишланган технология пайвандлашнинг жуда тез — минутига 420 метр бўлишини таъминлайди. бу эса Америкадаги ҳозирги замон ускуналарининг энг яхши кўрсаткичларидан 18-20 процент ортиқдир.

Агрегатнинг яратилиши Ватан техникасига қўшилган катта ҳисса деб баҳоланмоқда. Агрегатни ишлаб чиқишда ҳамма процессларни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш ҳисобга олинди. Бунда чокларнинг гоят мустаҳкам бўлиши таъминланади, бу эса қувурлар девори қалинлигини камайтириш, бинобарин металлни тежаш имконини беради.

Пўлатни электрошлак орқали қайта эритиш бўйича мамлакатимизда яратилган усул совет металлургия ўртасида ҳам, чет элларда ҳам катта обрў қозонди. Бунинг моҳияти нимадан иборат? Оддий йўл билан эритиладигак металлдан аввал қуйилган, тобланган ёки катанка қилинган электродлар ясалади. Шлак тўлдирилган ваннага жойлаштирилган ана шундай электродлар орқали ток ўтказилади. Ток таъсири остида электродлар эрийди ва суюқ металл кристаллизаторга томиб тушади. Металл шлак орқали ўтаётганида турли қўйқа ва газлардан тозаланиб тушади.

Б. И. Медовар, Ю. В. Латаш, Б. И. Максимович, А. Ф. Трегубенко, В. С. Култигин, Ю. А. Шульте, П. П. Менушенковлардан иборат тадқиқотчилар группасига электр шлак орқали қайта қуйиш йўли билан махсус маркали пўлат сифатини оширишнинг гоят самарали усулини ишлаб чиқанликлари ҳамда саноатда жорий қилганликлари учун Ленин мукофоти берилди.

Газ саноати гоят тез ривожланмоқда. Ер ости бойликларининг разведкачилари табиий газнинг жуда бой ер ости хазиналарини очмоқдалар, мамлакатда зангори ёқилғини транспортировка қилиш учун пўлат магистраллар қурилмоқда. Краснодар ўлкасининг ходимлари бир неча илмий тадқиқот институтларининг ходимлари билан ҳамкорликда қудуқларни пармалаш техникасига ва газ конларидан фойдаланиш системасига катта ҳисса қўшдилар. Новаторлар газ чиқариб олишнинг прогрессив технологиясини таклиф қилдилар, энг янги ускуналар комплексини ишлаб чиқдилар. Ана шу мураккаб ускуналар комплексини яратган Н. К. Байбаков, А. М. Анисимов, А. И. Арутюнов, В. А. Брагин, А. Л. Волик, В. Я. Дубовицкий, А. Г. Задов, О. К. Караев, Н. А. Сидоров, П. И. Барабонов Ленин мукофотига сазовор бўлдилар.

Юқори сифатли «ПМ-70» қурумини олишнинг янги технологияси шина саноатида катта иқтисодий самара беради. Бу маҳсулот жуда маҳкам резина (бу резинадан автомобиль шиналарини проекторларида фойдаланилади), шунингдек транспортер лента.ари ишлаб чиқариш учун фойдаланилади. Ана шу қимматли хом ашёни олишнинг оригинал усули учун бу ишнинг авторлари — В. П. Зуев, В. Ф. Суровикин, В. В. Саулина, П. А. Теснер, А. П. Глибин, А. Р. Кельн, К. Ф. Серебряков, А. К. Иковларга юксак мукофот берилди. Улар бу хом ашёни ишлаб чиқаришнинг технология процессини зўр маҳорат билан ҳал қилдилар.

Нефть ва химия саноатида гоят кўп миқдорда иссиқлик сарфланади. Совет мутахассислари пайли печларнинг ажойиб конструкциясини яратдилар, бу печда иссиқлик алангасиз — қизитилган керамик панеллардак юборилади. Ҳар бир печь йилига тўрт минг тоннагача қимматли ёқилғини тежаб қолиш имконини беради! Мамлакатда ана шундай печлардан юздан ортиғи қурилган ва ишга туширилган. Уларни яратган «Гипронефтемаш» институтининг ходимлари Ц. А. Бахшиян, В. Е. Баклашов, Г. Л. Вихман, Д. В. Иванюков, М. Б. Равич, М. М. Ушакевича Ленин мукофоти берилди.

Оғир касаллик — полиомиелитга қарши вакцина Ватанимиздан бошқа жойларда ҳам маълум. Бу йил СССР Медицина фанлари академиясининг Полиомиелит ва вирусли энцефалитлар институти ҳамда Эксперименталь медицина институтининг илмий ходимлари А. А. Смородинцев ва М. П. Чумаковларнинг катта ишларига Ленин мукофоти берилди. Улар янги юксак самарали препарат — тирик профилактик вакцинани ишлаб чиқдилар ҳамда унинг қўплаб ишлаб чиқарилишини ва кенг жорий қилинишини таъминладилар. Препаратнинг ниҳоятда юксак сифатли эканлиги Совет Иттифоқининг бутун территориясида полиомиелит билан касалланишни кескин камайтириш имконини берди. Кейинги икки йил ичида 100 миллион дозадак ортиқ тирик полиомиелит вакцинаси экспорт қилинди.

Совет олимлари ва қишлоқ хўжалик практиклари Ватан биологияфанининг илғор муваффақиятидан фойдаланиб, дон етиштиришни кўпайтиришга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Илғор селекциячилар В. Н. Мамонтова, В. Н. Ремесло, П. Ф. Гаркавий кузги ва лалми буғдойнинг, кузги ва лалми арпанинг серҳосил якги навларини яратганликлари учун Ленин мукофоти берилди.

Б. П. Соколов, М. И. Хаджинов, Г. С. Галеев, В. Е. Козубенко, А. С. Мусийколарга маккажўхорининг серҳосил гибридлари ва навларини яратганликлари ҳамда уларнинг уруғларини стерил асосида етиштириш усулига ўтказганликлари учун селекциячиларнинг бу группаси ҳам В. И. Ленин номли мукофотга сазовор бўлди. Бу гибридларнинг энг яхшилари маккажўхорининг районлаштирилган стандарт навларига нисбатан ҳосилдорлик жиҳатидан 25-30 процент устун туради, бу эса қишлоқ хўжалик фанимизнинг катта ютуғидир. Бу авторлар селекциясидаги маккажўхори уруғлари ва навлари 1961 йилда 19 миллион гектарга яқин ерга экилди.

Совет халқи, деди пировардида ўртоқ Максарев, Ленин мукофоти лауреатларини қизғин табриклайди ва уларга янгидан-янги ижодий муваффақиятлар тилайди.

(ТАСС).

ЛЕНИН МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТЛАРИ

М. С. МОЛОДЕНСКИЙ, М. Е. ВОЛЬПИН, К. А. АНДРИАНОВ, Д. Н. КУРСАНОВ, Е. И. КРУПНОВ, В. Е. КОЗУБЕНКО, П. Д. КОРИН, С. Я. МАРШАК, ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ, Р. Г. ГАМЗАТОВ.

ЧИГИТНИ КЎПРОҚ КВАДРАТЛАБ ЭКАЙЛИК!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Интернационал» колхозининг кўпчилик далаларида чигит текис кўкартиб олинди. Ҳозир бу майдонларда ғўза меҳр билан парваришланмоқда. Суратда: универсалчи ўртоқ М. Хайназаров ғўзани кўндалангига культивация қилаётир, колхоз агрономи Илёс Зуфаров ва артель раиси Мирзакамбар Ҳожимуҳамедов ўртоқлар ғўза парваришининг сифатини кўздан кечирмоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

ҲАР ГЕКТАР ЕРДА ЮЗ МИНГ ТУП КЎЧАТ БЎЛАДИ

БЎКА, (Тошкент области). (ЎзТАГ). Бўка ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ҳамза номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гулаҳмедова бошлиқ комплекс механизация бригадаси чигитни муддатидан олдин экиб бўлгани ҳақида рапорт берди. Иигирма гектар ерда чигит ҳозирдаёқ қийғос униб чиқди.

Саодат Гулаҳмедова бригадаси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан ҳар гектар ерда юз минг туп кўчат сақлаб қолишга ҳамда олтмиш беш гектарнинг ҳар гектаридан қирқ центнердан «оқ олтин» етиштиришга қарор қилди.

Шу колхознинг Суюн Абдуллаев бошлиқ бригадасида пахта майдонининг учдан икки қисмида чигит бир текис ундириб олиниб, кўндалангига культивация бошлаб юборилди.

ЕРНИНГ МАҒЗИ

Очиқ кафтим узра бир дона
чигит,
Тонгги шабнамлардан йиғилган
каби.
Унинг титрашини сезиб тургандай
Бутун томириму, қоним, асабим.
Она ернинг мағзин топган сингари
Лаҳза сеҳрланиб қолибман унга.
Жилвалари бордай, ҳар томонини
Кулиб кўрсатяпман кимёгар
кунга.
Осонмидир ахир, ялангликларда
Қизил шуълалардан бошоқлар
боғлаш,
Тонглар кумушидан хирмонлар
ясаб,
Бир кап ҳосилинг-ла юртни
ардоқлаш.
Деҳқончилик—ғўзаи санъатдай
нозик,
Ер тилининг жуда қийин луғати.
Минглаб заргарларнинг ҳунарига
тенг
Узбек пахтакорин бир машғулоти...
Очиқ кафтим узра бир дона
чигит,—
Ҳаёт ҳужайраси, ер тўқимаси.
Нега энди унинг ишида ҳофиз
Бор овози билан шеър ўқимасин.
Кунга солган битта чигитим кучи
Миллиграмм радий билан баробар.
Ер мағзини топган эканмиз,
демак,
Инсон ошёни бўлмас хароба.
Дунёни ясатар ғўзалар гули,
Ҳиди ҳамма ёққа гуркираб кетар.
Рўйи заминдаги тузим, меҳнатим,
Ишқим тиريكликни боқар, иситар.
...Очиқ кафтим узра она ер мағзи,
Олтин баҳосига баробар уруғ.
Уни қўйш билан аввалдаб экиб,
Далаларга тикиб қўяй қизил туғ.

Султон АКБАРИЙ.

ҒЎЗА ПАРВАРИШ ҚИЛИНЯПТИ

КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан руҳланган Қува ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Москва» колхозининг аъзолари Узбекистон КП Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг республикадаги барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига қарата чиқарган Мурожаатига амалий иш билан жавоб бериш учун астойдил курашиб, чигит экишни районда биринчи бўлиб тамомлаган эдилар. Улар дарҳол гектарларни тўлдиришга киришдилар. Шу мақсадда тракторлардан қолиб кетган ерларга чигит экилмоқда. Ҳозир ҳамма майдонда чигитни текис ундириб олиш чоралари кўрилаётир. С. Мамасолиев ва Ш. Азимов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда чигит қийғос ундириб олинмоқда.

Ҳамма жойда чигитнинг текис униб чиқишини кутмасдан уруг кўкарган майдонларда ғўзани дастлабки культивация қилишга киришилди. Универсалчилардан Абдулла Ҳакимов, Мансур Турсунов ўртоқлар астойдил ишлаб, ҳар куни 7-8 гектардан ердаги ғўзани кўндалангига культивация қилаётирлар.

М. ОБИДЖОНОВА.

ЎЗБЕКИСТОН ССР КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА ЧИГИТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА

1963 йил 22 апрелга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Экилгани	Шу жумладан квадрат-уялаб экилди
Тошкент	88,4	70,3
Бухоро	77,5	54,3
Андижон	75,8	75,8
Сирдарё	75,7	67,3
Сурхондарё	74,2	42,4
Фарғона	67,1	56,6
Самарқанд	43,4	30,3
Хоразм	43,4	24,4
Қорақалпоғистон АССР	21,7	17,8

МЎЛ ҲОСИЛ ЙЎЛИДА

(МУХБИРЛАР ХАТЛАРИДАН)

Республикамизда чигит экиш оммавий кучайтириб юборилди. Эрта муддатларда ва яхши ишланган майдонларга экилган чигит тупроқнинг ўз намига текис униб чиқмоқда. Бундай карталарда ғўза парваришига киришилди. Редакция қишлоқ мухбирларидан шу ҳақда ҳар куни кўплаб хабарлар олиб турибди.

ЭРТА ЭККАН ЭРТА ИИҒАДИ

Чигитни ерга барвақт ташлаган деҳқон ҳосилни эрта кузда йиғиштириб олади, баракали хирмон кўтаради. Илгор пахтакорлар шуни кўзлаб, экишни энг қулай муддатларда ўтказмоқдалар. Андижон область, Марҳамат ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Узбекистон» колхози механизаторларининг фидокорона меҳнати туфайли чигит экиш юзасидан берилган кунлик топшириқ ошириб бажарилмоқда, Ғулом Нуъмонов бошлиқ бригадада ҳар универсал билан 7-8 гектардан, Тошкенбой Маҳкамов бошлиқ бригадада 8-9 гектардан ерга 60Х50 ва 60Х60 сантиметр схемалари асосида чигит экилмоқда, 35 та агрегат билан ҳар куни катта майдонга ўруг ташланаётир.

Избоскан ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ўзбекистон», Москва ишлаб чиқариш бошқармасидаги Тельман номли, «Москва», «Ленинизм», Чуст ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленин йўли» колхозларида экишни қисқа вақт ичида тугаллаш учун ҳамма воситалардан самарали фойдаланиляпти. Тельман номли колхозда яхши тайёрланган 700 гектар ерга 8 иш кунида чигит экиб бўлинди. Бунда механизаторлардан Ҳабибулла Ортиқов, Мирзакарим Тўхтасинов, Абдусаид Турғунов ўртоқлар айниқса жонбозлик кўрсатдилар. «Ленин йўли» колхозида 16 агрегатнинг ҳаммаси унумли ишлаб турибди. К. Ҳасанов, С. Зайнобиддинов, И. Ҳусанов, У. Раҳматуллаев, Х. Камолов, А. Охунжонов, А. Исмоилов ўртоқлар редакцияга ана шуларни хабар қиладилар.

Андижон ишлаб чиқариш бошқармасидаги Куйбишев номли колхоз пахтакорлари бу йил 1310 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилганлар. Улар чигитни вақтида экиб олиш мажбуриятни бажаришда катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, экишда суръатга-суръат қўшмоқдалар. Кўпгина бригадалар экишни тамомлади. Ўртоқ Т. Бекмирзаев ана шулар ҳақида ёзади. Д. Абдуллаев, З. Азаматов, М. Абдуллаев, В. Хўжамов, Н. Худоёров, А. Умаров ўртоқларнинг хатларида Москва ишлаб чиқариш бошқармасидаги Энгельс номли, Хўжаобод ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Пахтакор» ва «Ленин йўли», Қўрғонтепа ишлаб чиқариш бошқармасидаги Карл Маркс номли колхозларда чигит экиш жадал суръатлар билан олиб борилаётгани хабар қилинади. Бу хўжаликларда асосий майдонларга чигит квадрат-уялаб жойлаштирилаётир. Наманган ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ўзбекистон» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳабибулла Юсупов, Абдулҳаким Йўлдошев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида уруғни уяларга белгиланган миқдорда ташлаб кетадиган сеялкалар билан чигит экиш кўнгилдагидек боряпти. Бу билан кўп миқдорда уруғ тежаб қолинмоқда, чигитнинг тез униб чиқиши учун шароит яратилаётир.

СИФАТГА ЭЪТИБОР БЕРИЛМОҚДА

Пахтадан мўл ҳосил етиштириш кўп жиҳатдан чигит экишнинг сифатли ўтказилишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам илгор колхоз ва совхозларда экишда сифатга алоҳида эътибор қилинмоқда. Ғ. Солиев, А. Фаттаев ўртоқларнинг ёзишларича Фарғона область, Киров ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Москва» ва «Ўзбекистон» колхозларида тупроқ экиш олдидан яхши тўйдирилаётир. Бу хўжаликларда ҳар гектар ерга 5-6 тоннадан чиритилган гўнг солиниб, кейин шудгор борона қилинмоқда. Экипаж аъзолари ана шу майдонларга чигитни нормал чуқурликда экмоқдалар.

Охунбобоев ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленин йўли», Қува ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм», Навоий номли колхозларда ҳам экиш сифатига биринчи даражали иш деб қараляпти. «Коммунизм» колхозининг Тутихон Султонова, «Ленин йўли» колхозининг Фозил Умрзоқов бошлиқ бригадаларида ҳар бир картада экиш тамомланиши билан ер бурчакларига, уваталарига чигит экилиб, тўла гектар таъминланмоқда. Колхозларнинг бошқа бригадаларида ҳам шундай қилинянти. Тракторлар айлака олмайдиган ер бурчакларини юмшатишда ва чигит экишда от-уловлардан ҳамда бог тракторидан тўла фойдаланиляпти. Ю. Қодиров, Д. Абдурахмонов, А. Ҳожиқориев ўртоқлар ёзган хабарларда ана шу фактлар келтирилади.

Тошкент область, Бўка ишлаб чиқариш бошқармасидаги Охунбобоев номли колхозда, деб ёзади ўртоқ Л. Файзиев, экиш сифати устидан жамоатчилик назорати яхши йўлга қўйилган. Бунинг учун тажрибакорлардан, бригада бошлиқларидан, агрономлардан иборат комиссия тузилган. Улар чигитнинг қандай чуқурликка ташланганини кун сайин кузатиб борадилар, содир бўлган камчиликларни айбдорлар ҳисобига дарҳол тузатгирадилар. Бу эса ҳамма майдонларда экишни юксак агротехника даражасида ўтказиш имконини беряпти.

Ўртоқ И. Абдужабборовнинг ёзишича, Калинин ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Қизил Ўзбекистон» колхозида сеялкани созлашга катта эътибор билан қаралади. Бу — экишни сифатли ўтказишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

ЯШИЛ КВАДРАТЛАР

Далаларда яшил квадратлар тобора кўпроқ ҳосил бўлмоқда. Сурхондарё область, Шўрчи ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Комсомол 30 йиллиги» совхозида 200 гектардан ортиқ ерда чигит кўкартиб олинди. Юсуф Мусаев бошқарувчилик қилаётган юқори ҳосилли бўлимдаги Холёр Абдимўминов, Нормурод Ерматов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда катта-катта майдонларда яшил квадрат ҳосил бўлди. Денов ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхозининг Хол Ашуров, «Янги рўзғор» колхозининг Абусаттор Сайриддинов, Охунбобоев номли колхознинг Абусалом Абдураҳмонов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам яшил квадратлар кўзга ташланиб қолди. Бу хабарларни Б. Меликов, Х. Жумаев, П. Ҳайдаров, М. Ботиров, Р. Бойназаров ўртоқлар юборганлар.

Бу илгор хўжаликларда ғўза парваришига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда, қатқалоқнинг олдини олиш чоралари ҳам кўрилаётир. Яккабоғ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Правда», Шаҳрисабз ишлаб чиқариш бошқармасидаги Куйбишев номли, «Правда», «Партия XIX съезди» колхозларида нормал чуқурликка ташланган чигит тупроқнинг ўз намига тез униб чиқмоқда. Ш. Маҳмудов, М. Қодиров, Ҳ. Ҳақбердиев ўртоқлар «Партия XIX съезди» колхозининг Норчучук Қораева, Куйбишев номли колхознинг И. Раҳмонов, М. Ҳақбердиева, Қ. Эгамбердиев, «Правда» колхозининг Юсуф Суюнов бошлиқ бригадаларида ёш нихолларнинг таги авайлаб юмшатилаётганлигини билдирганлар.

Чигит текис ундириб олинаётганлиги ҳақидаги хушхабарлар республикамиздаги бошқа областлардан ҳам келиб турибди.

Лекин булар дастлабки муваффақиятлардир. Ҳали анчагина майдонларга чигит ташланганлиги йўқ. Чигитни квадрат-уялаб жойлаштириш умуман экишдан кейинда қолмоқда. Ҳамма майдонларда экишнинг тугаллашишини кутиб, чигит униб чиққан карталарда қатор ораларини юмшатиш пайсалга солинаётган колхоз ва совхозлар ҳам бор. Бу билан ғўзани ёшлигидаёқ бегона ўт босишига йўл қўйилаётир. Ҳосилга путур етказадиган бу аҳволга эндиликда чек қўйиш, тез ва соз экишни ғўза парваришига пухта тайёргарлик кўриш билан маҳкам боғлаб олиб бориш керак. Токи чигит ундириб олинган карталарда экин қатор ораларини юмшатишки пешма-неш бошлаб юборишимконияти бўлсин. Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг республикадаги барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига қарата чиқарган Мурожаатида ана шулар талаб этилади.

ШИРАГА ҚАРШИ КУРАШДА ЯНА БИР УСУЛ

Москвалик энтомолог Николай Филиппов ярим асрдан кўпроқ умрини ҳашаротлар тўғрисидаги фанга бағишлади. У кўп мамлакатларда бўлди. Шу йиллар ичида Филиппов олдида ўз қонунларига мувофиқ яшовчи ҳашаротларнинг турли дунёси намоён бўлди.

Ҳашаротларнинг кўзи бор, эшитади ҳам, лекин одамлардаги каби эмас. Масалан, капалак фақат ультрагунафша нурларни кўради. Чивинлар ультратовушларни эшитади. Филиппов ана шуларни эътиборга олиб қоқон ясашни таклиф қилди. Эндиликда зараркунандаларга қарши курашда ультранур ва ультратовушдан муваффақиятли фойдаланилмоқда.

Ҳашаротлар орасида фақат инсоннинг душманларигина эмас, қимматли ёрдамчилари ҳам бор. Бир колхоз беданинг янги навини етиштира бошлади. Яхши шароит яратилган бўлса-да, беда уруғ бермади. Энтомолог бунинг сабаби ари йўқлиги эканлигини аниқлади. Бедазорга ари келтирилди. Ҳашарот томонидан чангланган беда яхши уруғ бера бошлади.

Баъзи чумолилар ва қўнғизлар ўлимтикларни еб, қушлар ва қайвонлар орасида эпидемия тарқалишининг олдини олади.

Демак, ҳашаротлар дунёсини инсон учун фойда томонини кўзлаб бошқариш — баъзи ҳашаротларни қириб ташлаш ва бошқаларини «рағбатлантириш» мумкин. Буни қандай амалга ошириш мумкин? Баъзи зараркунандаларни қириб ташлашга ҳатто химия ҳам ожизлик қилиб қолади. Ҳашарот эса жуда тез кўпаяди.

Бир куни Филиппов боғнинг бир бурчагига шира тушганини аниқлади. Бу ерда кокцинеллид қўнғизи, халқ тили билан айтганда «хон қизи» ҳам кўпая бошлади. Шундан сўнг шира йўқ бўлиб кетди. Бир кун ўтгач энтомолог зараркунанда тушган ўсимликни зўрға қидириб топди. Текшириб кўрганда шу нарса аниқландики, «хон қизи» қўнғизи ширани еб тугатар экан. Ҳашаротни ҳашаротнинг ўзи қириб ташлайди. Олимнинг бу фикри Сибирда ҳам тасдиқланди. Колхоз яйловининг анча қисмига шира тушди. Энтомолог ўқувчилар ёрдамида «хон қизи» қўнғизини териб, зararланган участкага бир копини қўйиб юборди. Бир ҳафтадан сўнг эса ширадан асар ҳам қолмади.

Ҳозир Филиппов зарарли ҳашаротларни қириб ташлайдиган ҳашаротнинг бир неча турини топди. Филипповнинг фикрича, зараркунандаларнинг айрим турларини далалардан «қисиб чиқариш» ва ҳатто бутунлай қириб ташлаш мумкин. Химиявий воситалар билан биргаликда биологик воситалардан ҳам фойдаланиш йўли билан ҳашаротларни қириб ташлаш мумкин.

Юрий ГУРЬЕВ.
(АПН).

БОТВИННИК—ПЕТРОСЯН МАТЧИ

Ботвинник ва Петросян ўртасидаги ўн иккинчи ўйин 42-юришда кечиктирилган эди.

Якшанба куни рақиблар яна ўйинни давом эттирдилар. Ўйин давом эттирилганидан кейин ҳаммаси бўлиб ўн икки марта юриш қилинди. ниҳоят Петросян ўзининг ортиқча бир пиёдаси билан ғалаба қозониши мумкин эмаслигини англаб ўйинни дуранг билан тамомлашни таклиф қилди.

Бу таклиф қабул қилинганидан кейин, матчнинг ҳисоби 6,5—5,5 бўлиб қолди. (ТАСС).

21 апрель.

СОВЕТ-ХИТОЙ САВДО МУЗОКАРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги вақтда Москвада СССР ва Хитой Халқ Республикаси ҳукумат савдо делегациялари иккала мамлакат ўртасида 1963 йилги товар обороти тўғрисида муваффақиятли музокаралар олиб бордилар.

Дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтган ана шу музокаралар натижасида ўзаро товарлар етказиб бериш ҳажми келишиб олинди ҳамда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида товар обороти тўғрисида 1963 йил учун 20 апрелда протокол имзоланди.

Товар оборотининг келишилган ҳажми ҳар иккала мамлакатнинг халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган совет ва хитой товарларининг кенг доирасини ўз ичига олади.

Совет Иттифоқи 1963 йилда Хитой Халқ Республикасига қора ва рангли металлар, автомашиналар, тракторлар ва улар учун запас қисмлар, нефть маҳсулотлари, тилинмаган ёғоч, химия саноати маҳсулотлари, кир совун, приборлар, ҳар хил машина ва ускуналар, запас қисмлар ва бошқа товарлар етказиб беради.

Хитой Халқ Республикасидан Совет Иттифоқига 1963 йилда рангли металларнинг концентратлари, қалайи, симоб, чўян, химия товарлари, қўй жуни, жун ва шойи газламалар, кийим-кечак, трикотаж ва ҳунармандчилик-бадиий буюмлар, олма, цитрус мевалар ва бошқа товарлар етказиб берилади.

Ҳар иккала томон ўзаро етказиб бериладиган товарларнинг келишилган ҳажми ҳар иккала мамлакат халқ хўжалигининг янада юксалишига ва иккала мамлакат халқлари ўртасидаги улуғ дўстликнинг ривожланишига ёрдам беради, деб ҳисоблайди.

Шунингдек, Хитой Халқ Республикасининг 1960 йилги савдо операциялари юзасидан ССР Иттифоқига бўлган қарзларини узиш муддатини кечиктириш ҳақида 1961 йил 7 апрелда тузилган битимга протокол имзоланди. Протоколда Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг истаги муносабати билан, Хитой томонининг мазкур битимга биноан 1965 йилда тўланиши лозим бўлган қарзларнинг бир қисмини 1962 йилги савдо операциялари юзасидан Хитой Халқ Республикаси фойдасига ҳосил бўлган сальдо ҳисобига муддатидан илгари тўлаши кўзда тутилади. (ТАСС).

ФРАНКОЧИ ЖАЛЛОДЛАРГА ЛАЪНАТ

Совет тинчлик тарафдорлари Испаниянинг шонли ватанпарвари Хулиан Гримаудан ёвузларча ўч олинганлиги ҳақидаги хабарни қаттиқ ғазаб ва норозилик туйғулари билан қарши олдилар.

Франкочи жаллодлар адолат ва мурувват ҳақидаги элементар тасаввурларни қўпол суратда поймол қилиб, испан халқининг озодлиги ва бахт-саодати учун мард курашчи, тинчлик ғояларининг астойдил тарафдори бўлган ажойиб кишини ҳаётдан маҳрум қилдилар.

Совет кишилари испан халқи шонли фарзанди Хулиан Гримаунинг ҳалок бўлганига чуқур қайғурадилар ва унинг бу оғир мусибатга учраган оиласига, дўстларига ҳамда барча испан ватанпарварларига чуқур ҳамдардликларини изҳор қиладилар.

Совет кишилари испан халқининг озодлик ва тинчлик йўлидаги интилишини қон дарёларида ғарқ қилишга уринаётган франкочи жаллодларга лаънатлар айтадилар. Ҳақиқатни ва мардликни ўлдириб бўлмайди! Хулиан Гримау ўзининг ёркин ҳаётини бағишлаган юксак идеаллар испанларнинг қалбида, жаҳондаги соф виждонли ҳамма кишиларнинг қалбида яшайди ва уларни фашистларнинг зулмига, зўравонликка ва реакцияга қарши қатъий курашга чорлайди.

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети.

ФРАНКОЧИЛАР РЕЖИМИНИНГ МУДҲИШ ЖИНОЯТИ

Совет ёзувчилари Хулиан Гримаунинг отиб ўлдирилганлиги тўғрисидаги хабарни ғазаб ва чуқур корозилик туйғулари билан эшитдилар. Хулиан Гримаудан қонли ўч олинганлиги—франкочилар режимининг янги мудхиш жинояти — соф виждонли ҳамма кишиларни ҳаққоний ғазаблантирмаслиги мумкин эмас.

К. Федин, Н. Тихонов, А. Сурков, Н. Грибачев, В. Кожевников, Г. Марков, Э. Межелайтис, Л. Сололев, Б. Полевой.

Редактор ўринбосари
А. ИСМОИЛОВ

ТОМОШАЛАР. ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

23 АПРЕЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.30 — **Диққат, старт!** («Пахтакор» стадионидан), 18.00 **Телевизион янгиликлар**, 18.20— **Реклама ва эълонлар**, 18.45 — Советский воин телевизион журнали, 19.35 — **Қўрқоқ** номли киноповесть. 21.05 — **Қозоқ тилида эшиттириш.** Ўзбек тилида: 21.20 — **Музика тарихидан**, 21.50 — **Телевизион янгиликлар**, 22.10 — **Ганг дарёсининг қизи** (телевизион фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — **Болалар боғчасида тарбияланувчилар концерти** (немис тилида).

Ўзбек тилида: 18.25—**Рассом Н. Н. Жунов**, 18.55 — **Биринчи майга меҳнат совғалари**, 19.15 — **Хотин-қизлар тенг ҳуқуқлиги — Октябрнинг буюк ғалабаларидан бири**, 19.35 — **Мамлук** номли бадиий фильм.

Рус тилида: 21.00 — **Қўлингни узат, кубалик дўстим**, 21.25 — **Рассом Дубинский** (илмий-оммабоп фильм), 21.45 — **Л. И. Брежневнинг Югославияга қилган жавоб визити** (ҳужжатли фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/IV да **Мазепа**, 24/IV да **Травиата**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/IV да **Имон**, 24/IV да **Номус**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24 /IV да **Уч баҳодир**.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Симпадаги севги — «ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Муқаддима — «МИР» (кундуз соат 12,4, кеч 8 ва 10 да), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз 4, кеч 9 ярим ва 11 да), «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Танга — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Мистер Икс (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва кеч 10 да).

Бир уйда (кеч соат 8 да) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Шамол эксанг, бўрон унар — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун) «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2 ва кеч 5 да).

Тундаги қадамлар —«ВАТАН» (кеч соат 7 да).

Шахсан маълум — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 да).

26 АПРЕЛДА ҚУҚОН ШАҲРИДА Узбекистон ССР бўйича ўтказиладиган 1963 ЙИЛГИ

ПУЛ-ВУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

иккинчи чиқаришш БИЛЕТЛАРИНИНГ

ютуқлар тиражи

бўлади.

Тиражда лотереянинг беш разрядига 525.000 сўмлик 283000 та буюм ва пул ютуқлари, шу жумладан: «Москвич» автомашиналари, коляскали мотоциклар, пианиолар, холодильниклар, мотовелосипедлар, магнитофонлар, гиламлар, тикув ва кир ювиш машиналари, соатлар ва бошқа қимматли буюмлар ўйналади.

Лотерея билетларини сотиб олинг!

1963 йил 3 май кундуз соат 3 да, Тошкент халқ хўжалиги институти ҳузуридаги бирлашган илмий совет мажлисида (Арйапоя кўчаси, Қирқтул тупик, 15-а уй) қуйидагилар иқтисодий фанлар кандидати деган илмий даражани олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИЛАР

А. Н. Попов: «Ўзбекистон халқ хўжалигини тиклашда кредит системасининг роли (1921—1928 йиллар)» деган темада.

Н. М. Соатов: «Пахтакор совхозларда меҳнат унумдорлигини ўлчаш ва анализ қилиш методологияси» деган темада.

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

«Қизил Узбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри,
Р 06865 Индекс 64543. Нашр. № 96.